# Оила ва жамият

ВА

Oila va jamiyat

14 сон • 3 — 9 апрел 2002 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси


# ЧЕҲРАСИ НУРЛИ ОНАХОН

СУВРАТЧИ: М. МИРСОДИКОВ

**"Нуронийлар оромгоҳи" дам олиш масканида 75 баҳорни қаршиласада, қадду-қомати тик, озғин, сўзлари бурро, ҳаракати тетик, юзларидан нур ёғилиб турган онахон билан танишиб қолдим. Онахон Қибрай туманига қарашли "Гулистон" маҳалласида яшовчи Тожихон ая Исмоилова эканлар.**

- Ёш кўринасиз, деб кўнглимни кўтариб юбордингиз,-дея гап бошладилар кулиб онахон. - Отам раҳматли қассоб эдилар, ёғли-ёғли гўштни оғзимизга тутардилар. Болаларим соғлом бўлиб ўссин деб топганларини уйга таширдилар. Ўйимиздан жийда, ёнғоқ, майиз, қовун қоқи узилмасди. Бу меваларнинг одам соғлиғи учун хосияти катта. Улар ҳам бардам қилади, ҳам кексайишнинг олдини олади, дерди онам. Тетиклигимга келсак, суягим меҳнатда қотган. 13 ёшимда бўйим бараварли кетмонни кўтариб далага чиқиб кетган бўлсам, болаларим қўлимдан ишимни олгунга қадар далада чигит билан баҳорда бирга кўкариб, то қор ёққунча бармоқларим шилиниб пахта терганман. Чолим ҳам оддий деҳқон эдилар. Иккаламиз қўш хўкиз бўлиб, тўрт қиз, уч ўғилни ўстирдик. Ойда, йилда шаҳар юзини кўрмасак, меҳнат, рўзғор, бола-чақа ташвишидан қўлимиз бўшамасди.

Онахоннинг ёдига нималардир тушдими, бир лаҳза жимиб қолдилар. Хотиралар уммонига шўнғиётган онахоннинг нозик дил пардасини чертаман.

**- Чолим ҳам деҳқон эдилар дедингиз, далада ишлаб юриб бир-бирларингизга кўнгил қўйган экансиларда,-дейман ўсмоқчилаб.**

- Йўқ, ота-онамга маъқул бўлган, мен уларнинг амрини бажарганман. Фотиҳа тўйимиз бўлиб ўтгандан кейин, бир-биримизга эътибор бериб қарайдиган бўлдик. Шароит шундаймиди, ёки шарму ҳаё кучли бўлганми, шунда ҳам узоқдан туриб бир-биримизга кўзимиз тушса, уни билмадим-у, менинг бутун вужудимга титроқ кириб, юрагим гупиллаб уриб қоларди. Тўйимиз ҳам тез орада бўлганди. Ҳозирги келинларга қилинадиган кийим-кечагу, дабдабаларни кўриб капалагим учиб кетади. Менга 8 та кўйлак, бир маҳси калиш, 4 та рўмол, битта жемпир қилишганди. Тақинчоқларни-ку айтиб ҳам ўтирмай, битта оддий сирга билан битта билак узук, келинлигимдаги бор бисотим шу бўлган. Яна денг, ҳеч эсимдан чиқмайди, аравада олиб кетишгани (хандон отиб куладилар). Аравага ғилдирагидан чиққандим. То чолимнинг уйига етиб боргунча арава тақир-тақур этиб силкиниб ичимни эзиб юборганди.

Энди бу воқеа эллигинчи йилларда бўлган-да! Ўшанда енгил машина у ёқда турсин, усти очиқ машина ҳам йўқ эди қишлоқда. Э, қандай замонларни бошдан кечирмадик болам. Уруш, қимматчилик — бари тушдай ўтиб кетди. Ҳозирги тўйларга қараб ҳавасим келиб кетади. Шукр, биз кўрмаган кунларни болаларимиз, набираларимиз кўраяпти.

Ўшанда муқаддас чимилдиққа кираётиб қилган орзу-умидларим ушалди. 48 йил чолим билан аҳил яшадик. Мен нима десам: "Бўпти, сени гапинг тўғри "кампир" ",-дерди раҳматли чолим. Чолингизни росаям қўлга олган экансиз деб ўйламанг тағин, мен чолимнинг авзойига қараб муомала қилардим. Мана 2 йилдирки, у йўқ, бағрим тўла бола бўлса ҳам, кўнглимнинг бир чеккаси бўм-бўш (кўзларига ёш қалқиб, овози қалтираб кетади, онахоннинг). Мени олдига солиб, кейин кетса бўлмасмиди (оғир хўрсинади). Худога шукр, болаларим ҳам, келинларим ҳам мени бошида кўтариб юрадилар.

**2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили**

**- Албатта ҳар қандай келин бегона жойга тушганда янги шароитга мослашиши қийин бўлади, келинингиз сизни ҳеч дилингизни оғритганми?**

- Тўғри айтасиз, энди бир воқеани айтиб берай. Мен ёшлигимда жуда ғайратли эдим, болаларимни ҳам шунга ундардим. Ўшанда элликдан ошган пайтларим, барвақт туриб, сигирларни ўзим соғардим. Келинларим ёш, улар супирсидир, овқат ишларини бажаришарди. Бир куни соат олтида сигирларни соғиб, сутини сотиб келиш учун уйдан чиқиб кетиб, соат саккизларда қайтиб келсам, болаларим ҳам, келинларим ҳам донг қотиб ухлаб ётибди. Дарвозадан киришим билан қон босимим кўтарилиб кетиб, қўлимдаги банкани жаҳл билан супага қараб улоқтирдим. Банка чил-чил синиб ҳаммани уйғотиб юборди. Қарасам ўғилларим ҳам, келинларим ҳам ўринларидан турганча саросимада қолдилар. Индамай чой қўйдим, ташқарига дастурхон тузатдим, мен ҳам жим, улар ҳам жим эдилар. Бирин-кетин бари дастурхон атрофига тўплана бошлади. Битта келиним яқинлашолмай, ўзини ҳар ишга уриб, чўчиб ҳам турди. Ҳамма жам бўлгандан кейин, қизимга қараб: "Болам, онам чарчаб келади, деб барвақтроқ турсанг бўлмайдими, рўзғор фақат менга керак эмас-ку",-дедим бир оғиз. Шу-шу келинларимнинг хатосини кўрмадим. Болам ҳаммамиз ҳам авлиё эмас, иссиқ жоннинг иситмаси баъзида кўтарилиб кетадиган пайтлар ҳам бўлади. Баъзида келинларимга ўша воқеани айтиб берсам, кулишади. Кўнглим учунми "Ўшанда тўғри қилгансиз",-дейишади. Жаҳл чиқса ақл кетади, деганлари рост экан болам.

**- Онажон, «куёвни ёв» дейишади, шу гап тўғрими?**

- Ёмон бўлсангиз ҳамма сизга ёв. Куёвларимни ҳаммасини яхши кўраман. Қизларимга ҳам айтиб қўйганман: "Эрингни гапини менга ташиб келма", деб. Агар қизим келиб куёвингиз ундай, куёвингиз бундай деб ёмонласа, балким мен ҳам ёмон кўриб қолган бўлармидим. Кеча-ю кундуз болаларимнинг дуосини қиламан. Илоё тиниб-тинчиб қўшгани билан қўша қарисин, дейман.

**- Қайнона билан келин орасидаги можарода ким кўпроқ айбдор, деб ўйлайсиз?**

- Албатта қайнона айбдор. Келин бир ниҳол, қайнона қандай парвариш қилса, шундай ўсади. Аёл аёлни тушуниши керак, деб ўйлайман. Лекин, қайнонани ҳам тушуниш керак-да! Тўққиз ой юраги остида кўтариб юрган боласи келинидан қизғаниб ҳам хатога йўл қўяди. Боламни бировни қизидан ҳимоя қиламан, деб ўйлайди. Лекин, келин хафа бўлса, ўғлим ҳам хафа бўлади, деб ўйламайди-да, она. Мен боламга раво кўрмаганимни келинимга ҳам раво кўрмайман. Чунки улар бир олманинг икки юзи. Олманинг бир томонини тишласангиз, иккинчи томони ҳам зирқираб кетади.

**- Ёш келин-куёвларга маслаҳатингиз борми?**

- Ҳажга бораман деб ҳужжатларимни тахт қилган жойимда, чолим касал бўлиб қолди. Чолимни шу аҳволда ташлаб кетишга кўзим қиймади, ҳажга бормадим. Атаганимни бир кишидан бериб юбордим. Ўша киши тилакларингиз ижобат бўлди, деб қайтиб келди. Агар чолимни шу аҳволда ташлаб кетсам, унга бир гап бўлиб қолса, Худо ҳам, банда ҳам мени кечирмасди. Чолимни дуосини олдим, беш йил ётиб қолди. Сўнгги пайтларда ҳар ювиб тараганимда: "Боринг шукр, сендан мингдан-минг розиман", деб кўзларига ёш оларди раҳматли чолим. Ёшларга меҳр-оқибатли бўлишни, ёрига хоҳ аёл, хоҳ эркак вафодор бўлишини маслаҳат бераман.

* * *

Мана азизлар, қарияларимизда гап кўп, уларнинг панду насиҳатларига амал қилсак, Тожихон аядай юзимиз ёруғ, руҳимиз тетик, тилимиз ҳам бурро бўлади.

**Тоҳир НОРИМОВ**

## ТАБИАТНИ АСРАШГА ЭЪТИБОР

Жиззах вилоятининг Фориш туманида БМТ дастури доирасида "Нурота-Қизилқум ҳудудида лойиҳалаштирилаётган биосфера биологик хилма-хиллигини сақлашда жамоатчилик вазифаси" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда табиатни муҳофаза қилиш идоралари, соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Семинарда лойиҳалаштирилаётган ҳудудда атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Нурота тоғлари ва Қизилқум чўли ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиат ранг-баранглигини таъминлашда аҳоли ва жамоатчиликнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Семинар сўнггида лойиҳа режасининг тақдимоти ўтказилди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири**

АХБОРОТ

## АЛПОМИШГА АЛЛА АЙТГАН МОМОЛАРИМ

Навоий вилоятидаги Қизилтепа туман хотин-қизлар қўмитаси «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан махсус дастур ишлаб чиқди. Кекса онахонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини таъминлаш каби бир қатор долзарб масалалар ушбу дастурнинг асосий мазмунини ташкил этади. Қўмита ушбу ҳужжат асосидаги фаолиятини бошлаб, яқинда тумандаги 120 нафар кайвони онахонларни тўплади. Катта дастурхон ёзилиб, "Дийдор ғанимат" деб номланган давра суҳбати уюштирилди. Суҳбат мавзуи асосан хонадонларда тинчлик-тотувликни барқарор этиш, ёш келинларга ҳаёт сабоғини ўргатиш, қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилди.

Пировардида, турмушда барчага ибрат намунасини кўрсатаётган пиру бадавлат онахонларга эсдалик совғалари улашилди.

**Х. ҲАМРОЕВ**

## ГЎЗАЛ БИР УЧРАШУВ

Баҳорнинг шукуҳли кунларида "Шарқ" нашриёт-матбаа АК биносида М. Каримова раҳбарлик қилаётган «Журналист аёллар» клубининг Наврўз байрамига бағишланган тадбири бўлиб ўтди. Ижодкор аёлларнинг гўзал бу учрашувида Озарбойжоннинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Азимбеков Айдин Алибек ўғли, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги хотин-қизлар қўмитасининг вакиласи Наир хоним ҳам қатнашиб, байрам иштирокчиларини муборакбод этишди.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоиралари Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, "Мерос" урфу одатлар театри директори ўринбосари Инобат Турсуновалар сўзга чиқишиб, журналист хотин-қизларга самимий дил истакларини билдиришди.

Хушовоз хонанда Абдулла Қурбонов раҳбарлигидаги санъаткорлар ва таниқли хонанда О.Назарова ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан даврага янада файз киритишди.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

# УМРБОҚИЙ МЕҲРУ САХОВАТ

***Мустақил республикамизда соғлом, бахтиёр оналик ва болалик тўғрисида чинакам ғамхўрлик сўзда эмас, балки амалда қилинмоқда. Бу Ўзбекистон Болалар жамғармасининг иш фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Жамғарманинг яқинда бўлиб ўтган Пленумида 2001 йилдаги иш фаолияти ва келгусидаги вазифалар муҳокама этилди. Унда Республика Болалар жамғармасининг раиси Инқилоб Юсупова маъруза қилди. Жумладан у шундай деди:***

- Ўтган 2001 йилда Ўзбекистон болалар жамғармаси ва унинг вилоят бўлимлари томонидан кам таъминланган, серфарзанд ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, болаларни миллий анъаналар, урф-одатлар ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш бўйича турли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Аввало "Меҳрибонлик" уйларида тарбияланаётган, ота-онаси ва уй-жойи йўқ болаларни ижтимоий ҳимоялашни йўлга қўйдик. Қариндош-уруғларининг қўлида тарбия олаётган етим болаларнинг рўйхатини тузиб, ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларини ишлаб чиқдик. Қийин аҳволда қолган болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзловчи "Меҳр таянчи" Тошкент шаҳар маркази ташкил қилинди.

Марказнинг асосий вазифаларидан бири - болаларни уйдан кетиб қолиш сабабларини ўрганиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўз оилаларига, болалар муассасаларига қайтишларига кўмаклашиш ҳамда уларни ҳар хил фаолият доирасига жалб қилишни ҳам кўзлайди.

Марказда психологик, тиббий, юридик тизимлар тузилди. Болаларни тикиш-бичиш, дурадгорлик, пойафзал таъмирлаш, сартарошлик ҳунарларига ўргатиш учун асбоб-ускуналар олинди.

Мамлакатимизда 25 та "Меҳрибонлик" уйлари ташкил этилган бўлиб, уларда 3,3 минг бола тарбияланмоқда. Бу масканлардаги болалар сони аввалги йилга нисбатан бир мунча камайган. Чунки, эндиликда болаларга кўпроқ қариндошлари ва ота-онаси ўрнини босувчи шахслар томонидан васийлик ва ҳомийлик ўрнатиладиган бўлди. Етим болаларни қариндошлари ўз бағрига олиб, боқиб, тарбиялаётган оилалар ҳам кам эмас. Бундай оилаларнинг аҳволини ўрганиш ва ёрдам бериш мақсадида "Уйим менинг-чироғим менинг" дастури ишлаб чиқилган.

Республикамизда болалар манфаатларини ҳимоя этишни кўзловчи таниқли давлат ва жамоат арбобларидан иборат Альянс ташкил қилинган. Бутун жаҳон бўйлаб ўтказилган «Болаларга «Ҳа!» денг» Халқаро ҳаракатида Ўзбекистон Болалар жамғармаси ва жамоат ташкилотлари ҳам қизғин иштирок этди.

* * *

Маърузадан сўнг музокаралар бошланди.

**Наталья РЯЗАНЬЦЕВА, Болалар жамғармаси Наманган вилоят бўлими раиси:**

- Фаолиятимизни давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боряпмиз. Кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Бунда ўзимиз тарбиялаб воя етказган болалардан фойдаланмоқ лозим.

**Зоир МУҲИТДИНОВ, Болалар жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси:**

- Бизда ҳар душанба куни вилоят ҳокими қабулида йиғилиш бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишда кўриладиган масалалардан асосийси болалар манфаатига доир. Биз эътиборни халқаро ташкилотлардан олинадиган грантларга қаратмоқдамиз ва ҳозирча ёмон натижага эришмадик.

**Малоҳат МИРЗАЕВА, Болалар жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси:**

- Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг молиявий қўмагида 2000 йил Андижон туманида ногирон ва боқувчисини йўқотган болалар учун "Болалар 2000" ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Бундан биз фақатгина хайрия тушумлари ҳисобига яшайдиган Болалар жамғармасини иқтисодий мустақилликка эриштириш мақсадини кўзладик. Қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўринлари яратишга эришдик.

Корхона ташкил этилганида 78 нафар одам қабул қилинган бўлса, ҳозирда 142 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Улардан 58 фоизи ногиронлар, 28 фоизини боқувчисини йўқотган аёллар ташкил этади. Тикувчилик, трикотаж, дурадгорлик, қандолат, нон цехлари мавжуд бўлиб, ўтган ойдан пайпоқ тўқиш цехини ҳам ишга туширдик. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун болалар боғчаси туну кун ишлаб турибди. Унинг молиявий сарф-харажатлари корхона ҳисобидан.

Ҳаёт биздан тадбиркорликни янада кучайтиришни талаб қилмоқда.

**Мавжуда ЖАМОЛОВА, Бухоро вилоят Маънавият ва қўшимча таълим маркази директори:**

- Болалар дарсдан бўш вақтларини бекор ўтказмасликлари учун уларни тўгаракларга жалб этишни йўлга қўйганмиз. Махсус мактаб-интернатда ана шундай тўгараклар очилиб, иқтидорли болалар билан ишлаш йўлга қўйилаяпти. Улар махсус жорий этилган Болалар жамғармаси стипендияси билан рағбатлантирилаяпти.

**Жанар ТАНИРБЕРГЕНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Болалар жамғармаси раиси муовини:**

- Болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенцияни ўрганиш бўйича телевидение орқали очиқ дарс ўтказилаяпти. Ойида 2 марта бўладиган бу очиқ дарсда Конвенциянинг моҳияти ва ундаги моддалар тўғрисида кенг тушунча берамиз. Бу дарсларимиз якунида махсус конкурслар ҳам бўлиб ўтади.

**Шавкат МАМАРАҲИМОВ, Болалар жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раиси:**

- Ҳар йили вилоят болалар жамғармаси томонидан баҳоли қудрат мурувват ёрдамлари бериб турилибди. "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари ўртасида кўрик-танловлар, ерга расм солиш бўйича мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

**Хушноза АРСЛОНОВА, Болалар жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси:**

- Халқимизда, "Бола йиғламаса она сут бермас", деган ибора бор. Баъзи оилалардаги болалар нотинчлик туфайли хонадонидан чиқиб кетишади. Биз ички ишлар ходимлари билан бирга ана шундай ҳолатларни бартараф этишга ҳаракат қилаяпмиз. Мактабларда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қоидаларини ўқувчиларга ўргатишга ҳаракат қилаяпмиз.

**Дилбар ТОЖИЕВА, Болалар жамғармаси Оҳангарон шаҳар бўлими раиси:**

- Дастлаб биз шаҳримиздаги боқувчисини йўқотган 17 нафар болани оиламизга — ўз тарбиямизга олгандик. Уларнинг сони ортиб боргани учун 2001 йилнинг март ойидан бошлаб Болалар жамғармаси сифатида фаолият бошладик. Ҳар уч ойда биз мактаб маҳаллаларда, ота-оналар ўртасида суҳбатлар ўтказамиз. Ота-онаси, оиласи бўла туриб кўчаларда ўз ҳолича тирикчилик қилиб юрган болаларни аниқлаб, меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатишга ошиқамиз.

**Хосият ЁҚУБЖОНОВА, Республика "Нуроний" жамғармаси қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш гуруҳи раиси, Болалар жамғармаси "Оила" кенгаши раиси:**

- Бу йил "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинди.

Қарияларимизнинг бой тажрибаларини, ибратини ёшлар қалбига сингдириш улар тарбияси ва камолотида катта аҳамият касб этади. Яқинда 13 та фарзанди бор Қаҳрамон ака билан учрашув ўтказилди. Улардан 5 таси асраб олинган. Шу фарзандларни камситмай, ўкситмай бирдек тарбиялаб вояга етказибдилар. Уларнинг 61 невара, 40 та эварани тарбиялашдаги тажрибасини ёшларга етказишга уриндик.

**Сония НУРЛАЕВА, Болалар жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси:**

- "Нуроний" жамғармаси билан биргаликда қариялар билан болаларнинг учрашувларини ўтказаяпмиз. Шундай учрашувлардан бирида болаларга ўз севган ўйинчоқларини катталарга тақдим қилишларини сўраганимизда, баъзилари бу ишдан бош тортишди. Демак, уларда меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш учун ҳам бош қотиришимиз лозимлиги маълум бўлди.

* * *

Билдирилган фикр -мулоҳазаларни эътиборга олиб Пленум оилалар иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш ишларини такомиллаштиришга, "Уйим менинг-чироғим менинг" дастуридаги тадбирларнинг бажарилишини таъминлашга, "Меҳрибонлик" уйлари битирувчиларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган "Иссиқ уй" дастури юзасидан ишларни кучайтиришга қарор қилди.

**Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,**
**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА,**
**Нигора ЙЎЛДОШЕВА**

**Сувратда:** *Болалар жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган «Оналар алласи — муқаддас» конкурсида Сиёб туманидаги 5-мактаб ўқувчилари чиқишидан бир лавҳа.*

**СУВРАТЛАР МУАЛЛИФИ: М. МИРСОДИКОВ**

### Болалар жамғармаси фаоллари

Абдулло МУЗАФФАРОВ (Бухоро вилояти)

Малоҳат МИРЗАЕВА (Андижон вилояти)

Хосият ЁҚУБЖОНОВА (Тошкент шаҳри)

Сония НУРЛАЕВА (Хоразм вилояти)

Зоир МУҲИДДИНОВ (Самарқанд вилояти)

Комила СОБИРОВА (Хоразм вилояти)

### Болалар жамғармаси фаоллари

Хушноза АРСЛОНОВА (Тошкент вилояти)

Шавкат МАМАРАҲИМОВ (Сирдарё вилояти)

Турсуной ЕШИМБЕТОВА (Тошкент шаҳри)

Сожида ЗИЯЕВА (Тошкент шаҳри)

Дилбар ТОЖИЕВА (Оҳангарон шаҳри)

Нозик ҚЎЗИЕВА (Навоий вилояти)

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Оила — бу энг муқаддас, энг буюк қўрғондир. Оила ўзаро никоҳ орқали вужудга келган инсоний муносабат бўлгани учун, уни доимо асраб-авайлашни ҳар бир оила аъзоси ҳис қила билиши зарур. Бунда нималарга амал қилиш зарур?

Оилани қадрлаш, мустаҳкам сақлаш асосида меҳр деган азиз ва ноёб туйғу катта аҳамият касб этади. Шу ўринда мен асосий суянч бўлиб турган муҳтарам оналаримиз ва қизларимизга шундай дегим келди:

Бир умрлик жуфти ҳалолингизга чексиз меҳр кўрсатинг, эрталаб ишга кетаётган эрингизни фақат ширин сўз билан алқаб, вақтида нонуштасини бериб жўнатсангиз кун давомида у аъло кайфиятда юради. Бу аъло кайфият унинг ишига унум ва баракот беради.

Эркаклар кун бўйи меҳнат қилиб, ҳам жамиятга фойда келтиради, ҳам ўз оиласини моддий таъмин этади. Уйга келганда тинч, саранжом ҳаётни кўргиси келади. Ҳаёт давомида моддий етишмовчиликлар, касал бўлиш, тўқчилик, тўй-ҳашам кунлари бўлиб туриши табиий. Аммо мана шу кунларда ҳаёт ҳар бир инсонни синовдан ўтказади. Бундай кунларда азиз аёлларимиз сабру қаноат билан иш тутмоғи лозим. Моддий олам устунликларига ружу қўймасдан, маънавий гўзаллик, ирода, қаноат тимсоли бўлиб қолишлари зарур. Аслида, аёл зотининг сеҳру жозибаси ҳам шунда эмасми?

Буюк алломалардан бири шундай деган экан:

"Қачонки эркак киши ўз уйидан,

**ФИКР**

ўз аёлидан ўзи излаган нарсасини тополмаса, шу нарсани кўчадан излайди. Уйдан кўра кўча-кўйда юришни афзал кўради". Бу ҳикматдан ҳар бир аёл ўзига хос хулоса чиқариши лозим. Аёллар ўз турмуш ўртоқларидан доим ширин сўз, руҳий мадад кутиб яшайди. Севдирувчи ҳам тил, бездирувчи ҳам тил, дейишади. Ҳар бир сўзимиз бизнинг маданиятимизни, хулқ-атворимизни қандай эканлигини билдиради. Гарчи эътибор қилмасак-да, оила учун бу энг устувор тамойиллардан биридир. Баъзида эркаклар аёлларини ўзларидан бирмунча пастроқ кўришади ва асосий юмушларни аёл зиммасига юклашади. Баъзилари эса ўз аёлларини уриб, сўкиб, ҳаётдан бездириб қўяди. Бундай эркакларга нисбатан шоир Мирзо Бедилнинг қуйидаги сўзини айтгим келади:

**Ёмон сўзлар билан дилларга**
**заҳмат бермагил, Бедил,**
**Не ерда тошни жинси бўлса,**
**бўлгай шишага душман.**

Яъни, инсонларнинг дили шишага ўхшайди. Сен ҳақорат ва ёмон сўзлар, яъни тошлар билан кишининг нозик дил шишасини парчапарча қилма, дейди.

Аёл — ҳамиша сирли олам, назокатли малика ва дилбар уй бекаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши керак. Акс ҳолда замонамиз, ўзбекона турмуш тарзимиз ўз тароватини, файзини йўқотади. Кўча-кўйда енгил-елпи ишларни қилиб, қўл қовуштириб ўтирган, ўз аёлларининг топганига суяниб яшаётган эркакларга, алпқомат паҳлавонларга қарата шундай дер эдим:

**Токи бор ғайрату**
**мардликдан асар,**
**Аҳли аёлингни этма дарбадар.**
**Мева шохи агар девордан ошса,**
**Йўловчилар унга**
**бешак қўл чўзар.**

Шундай хулоса қилишимиз мумкинки, оилаларимиз тинчлиги, файзи, гўзаллиги, мустаҳкамлиги фақат ўзимизгагина боғлиқ. Ўзаро инсоний меҳр туйғуси эса унданда муҳим ва заруррокдир.

**Раъно РАББИМОВА**
**Навоий вилояти**

# ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

***(Боши ўтган сонларда)***

Сенинг фойдангга хизмат қилганки нарса дўстингдир. Унга хиёнат қилмаслик керак. Бирозгина ранги кетса ёки ёқаси, чоки сиртилса, йиллар давомида тугунларда хор бўлиб юрадиган кийимлар бизга норизолик айтиб ётади. Яхши аёллар қийқимлардан бутун нарсалар яратиб, кўзни қувонтирадилар. Кимдир эса бутун кийимларни кераксизга чиқариб, ташлаб қўяётир. Кийим ҳам неъмат, унинг исроф бўлиши - гуноҳ. Акасининг кийимидан укасига бир нарса ясаб бериш мумкин. Кўчалик бўлмаса уйлик кийим бўлар. Кийишга яроқсиз бўлса, рўзғорга буюм қилиш мумкин. Қолаверса, шу уринишлар баҳонасида қўл ҳам игна-қайчи ушлашга мослашиб боради! Игна ишлата билиш эса аёлликнинг фарзидир.

Сен моддий тўкин бўлишинг ва бундай эплама буюмларга эҳтиёжинг бўлмаслиги мумкин. Аммо бу ерда гап пулни тежаш ҳақида эмас, ўз пайтида хуснингга хусн қўшган, кўнглингни кўтарган, не-не кунларингга гувоҳ бўлган дўстинг — кийиминг ҳурмати ҳақида кетаётир.

* * *

Кераксиз кийимларни бировга беришда ҳам аёллигингни кўрсат. Тозалаб, тугмаларини ростлаб, дазмол қилиб, ҳаттоки, илгичларда, сув қоғозларга солиб бергин. Бу — инсоннинг ҳурмати, қолаверса, сен учун қанча хизмат қилган кийимни иззати билан кузатишдир.

* * *

Бир келинчакнинг тахта-ўқловни махсус тикилган бўз жилдда сақлашини кўриб, ҳавас қилдим.

* * *

Болалигим Тошкентда ўтган. Атрофдаги келинларнинг бир ишини завқланиб кузатардим, қиш кунлари қўни-қўшни киргудай бўлса, дарҳол калишларининг лойини ювиб, чиройли териб қўйишар эди.

* * *

Уйга ҳар кирарда-чиқарда остонадаги пойафзалларни тўғрилаб ўрганмаган келин – хом келин! Бу ишни ҳамиша қилса-ю, аммо қўл чайқашни унутиб, пиёла-сочиқни ушлаб кетаверса, ундан-да хомроқ келиндир!

* * *

Жуфтингнинг кийимларини ечган заҳоти тозалаб, эртанги кунга расталаб қўй.

* * *

Наргиза исмли қиз билан бирга ишлаймиз. У кирса, ҳар сафар яхшиликми, ёруғликми кириб келгандай бўлаверади. Юрагида офтоби бор бу қиз борган жойини ҳам нурхона қилади, дейман дилимда!

Куни кеча у эртароқ келиб қолибди. Калити йўқлиги учун бизнинг хонага кирди. "Яхши ҳам калитнинг йўқлиги, опажон, сизни бирпас кўрадиган бўлдим",- дея лутф бошлади у. Кейин шундоқ назар ташлаида, "Барибир ўтирар эканман, келинг компьюторингизни оппоқ қилиб берай"- дедию, енг шимариб ишга тушиб кетди! Эрта тонгда тонгги тортиқдай кирди у! Кайфиятимни мунаввар қилди. Бошларидан бахт сочилсин, илоҳим...

* * *

Аёлнинг қўли сеҳргар – ҳаракатга тушган заҳоти атрофга гул сочилаверади. Уни кузатиб турсанг, кайфиятинг куйга айланади! Юрагинг сайраётганга ўхшайди! Сеҳрли ойим, сен ҳеч қачон қўлларингни қизғонма, қўйиб юбор! Қўйиб юбор уни, унинг дастидан бу дунёда хунук нарса қолмасин!

Қўллари гул ойим, илоҳим, қўлларинг ғунчалайверсин, тўрт фаслингда бирдай сўлимай юр!

Сиз эса, биродар, уйингизга, ҳовлингизга ва бутун оламга синчиклаб қаранг ва кўринг, ҳамма чиройли нарсаларга АЁЛНИНГ ДАСТХАТИ битилгандир!

***(Давоми бор)***

**Турсуной СОДИҚОВА**

# ВАҚТИМИЗ, МЕҲНАТИМИЗНИ АЯМАЙЛИК...

**Арзи ҳол**

Яқинда маҳалламиздаги кўп қаватли уйларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича шанбалик ўтказилди. Маҳалла оқсоқоли бир неча бор келиб мурожаат қилгач, кўп қаватли уйлардан 3-4 киши эринибгина чиқишди, айримлари ҳатто "дам олиш куни ҳам тиним йўғ-а", дея тўнғиллашди. Дераза дарпардалари орасидан мўралаб қараганлар ҳам бўлди. Ўзимиз яшаб турган уй атрофларини чиқиндилардан тозалашга, дов-дарахтларни, ариқ-зовурларни тартибга солишга, оқлашга ўзимиз киришмасак четдан келиб биров қилиб бермайди-ку. Маҳалла оқсоқолини ўзимиз сайладик, маҳалланинг ҳар бир жамоат ишида фаол ёрдам берамиз, ҳашарлар уюштирамиз, деб ўзимиз ваъда берган эдик. Афсуски, лафзимизда устувор турмадик. Маҳалланинг қоқ ўртасидан Солор ариғи оқиб ўтади. Шу ариқ туфайли маҳалла тароватига тароват қўшилади. Аммо сўнгги вақтларда шу Оллоҳ томонидан бизга назр этилган ариқ сувига кўп қаватли уйларда яшовчилар томонидан чиқиндиларни ташлаш "мода"га айланди. Бу ариқ сувида турли хил ичимликлардан бўшаган пластмасса идишлар, мева ва сабзавотларнинг пўчоқлари, қоғоз чиқиндилар, латта-путталарнинг бир жойда ғуж бўлиб тўпланиб қолганини кўриб дилингиз озор чекади. Беихтиёр "дод" дейсиз. Маҳалланинг жонкуяр фаоли, 74 ёшли отахон Йўлдош Ҳожимуротов куйиниб дейди:

- Солор ариғининг ифлослигини кўриб, тўғриси ачинаман. Илгари унинг сувлари тип-тиниқ эди, ҳозир-чи? — Ота қўлини жаҳл-ила сермайди. - Одамларда андиша, меҳр-мурувват қолмади. Ўзларику лоқайдлик касалига мубтало бўлишди, ҳеч бўлмаса фарзандларини тўғриликка, нима мумкин, нима мумкин эмаслигига ўргатишса бўларди...

Маҳалла фаоллари, участка нозирлари аҳоли билан ўтказилган ҳар бир суҳбатда бу ҳақда айтишади, мисоллар келтирилади, бироқ... Одамнинг шуурида, онгида "яхшилик" нимаю "ёмонлик" нима деган тушунча бўлмас экан, аҳвол ўзгармайди. Икки-уч йил ичида Солор ариғи буткул чиқиндилар ташланадиган маконга айланади. Бунинг олдини олиш учун балки ҳукумат миқёсида қарор қабул қилиш керакдир. Нима бўлганда ҳам Оллоҳ яратган мўъжизани авайлаш-асраш шарт, деб ўйлайман.

Азизларим, келинглар, ўз шаҳру қишлоқларимиз, маҳалламизни обод ва кўркам бўлишида ўз вақтимизни ва меҳнатимизни аямайлик. Ариғу кўчаларимизни чиқиндилардан асрайлик. Шундагина виждонимиз, ота-боболаримиз руҳи олдида ёруғ бўлғусидир.

**Б. ОРИПОВ**
**Тошкент шаҳри,**
**Яккасарой тумани,**
**"Қушбеги" маҳалласи**

# ҚАЛБИМИЗДА ТИРИКСАН

Мен ҳар ҳафта севимли бир кишимни кутгандай рўзнома келишини сабрсизлик билан кутаман. Барча иш-ташвишларни чеккага қўйиб рўзномани ўқирканман, ўзимга маънавий озуқа оламан. Рўзномада чоп этилаётган "Хотира-муқаддас" рукни менга жуда маъқул. Чунки орамиздан кетган яхшиларни ёд этиб туриш бизнинг инсонлик бурчимиздир. Сирдошим, камтарин инсон Шаҳзода Жабборова ҳозир ҳаёт бўлганида 52 ёшни қаршилар эди.

Афсуски, бешафқат ўлим ягона нуридийдаси Умидани оху-зорига қарамасдан бевақт олиб кетди. У тумандаги 1-сон ўрта мактабда болаларга тил-адабиёт фанидан сабоқ берар эди. Ўз ишига ўта талабчан, моҳир педагог эди. У юрса йўлни тўлдириб, кулса гулни кулдирадиган, дугоналари, дўстларига жуда эътиборли инсон эди.

"Тумандаги барча ёшлар пухта билим эгаллаб, олийгоҳларга кириб, элига, юртига хизмат қилишини орзу қиларди. Афсуски, орзулари ушалмасдан орамиздан эрта кетди. Ёзиб юрган шеър, асарлари дафтарларида қолиб кетди. Унинг фироқига чидолмасдан умр йўлдоши Аҳрор ака ҳам бир йилдан сўнг вафот этди. Илоҳим Оллоҳ уларни ўз раҳматидан баҳраманд этсин. Сен доимо дўстларинг, дугоналаринг, ўқувчиларинг қалбида тириксан, менинг мунис дугонажоним Шаҳзода.

**Ҳамрогул РАҲИМБЕРДИЕВА**
**Бухоро вилояти,**
**Қоракўл тумани**

# ҚУЁШДАЙ ЧАРАҚЛАБ ТУРАРДИЛАР

**Хотира — муқаддас**

Менинг уч амакиларим бўлиб, улар ичида каттасини кўпроқ яхши кўрганим учунми, "Абдуқаҳҳор дадажоним", деб атардим. Катта амаким уйимизга келсалар қандайдир ёруғ нур уйимизни ёритгандек бўлар эди. Мен у пайтлар кичкинагина қизалоқ эдим. Лекин бу бир кам дунё, Абдуқаҳҳор дадажонимни орамиздан олиб кетди. Азизлар, агар мен учун азиз бўлган Абдуқаҳҳор дадажоним ҳаёт бўлганларида 46 баҳорни қаршилаган бўлар эдилар. Наилож, афсус...

Инсоннинг хотирасидан яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам чиқмас экан. Яхши инсонлар худди қуёшдай чарақлаб, кўнгилни ёритади, ёмонларга кўзинг тушса, руҳингни қандайдир қоронғулик қоплагандай бўлади.

Қуёшдай чарақлаб юриш, инсонлар қалбига нур, қувонч бахш этиш ҳар биримизга насиб қилсин. Абдуқаҳҳор дадажонимнинг руҳлари шод бўлсин. Илоё жойлари жаннатдан бўлсин.

**Дилноза ПЎЛАТОВА**
**Тошкент шаҳри**

# МЕНИНГ ҲАМ ТЎЙИМ БЎЛАРМИКАН?

Биз асли Водийликмиз, тақдир тақозоси билан Сирдарёнинг Ховос туманида яшаймиз. Ёшим 20 да. Оилада бош фарзандман. Мактабни аъло баҳоларга битириб, ўқишга кирдим. Дадамнинг қаршиликлари туфайли ўқишни ташлашга мажбур бўлдим. Ҳозир уйдаман. Қўлимдан ҳамма иш келади. Лекин бахтим бекам эмас. Ёшликнинг гўзал давру даврони ўйнаб-кулиб ўтказадиган ёшимда бошим ғамга ботган. Мен ҳамиша: "Бахтли бўлармиканман, менинг ҳам бахт юлдузим порларми-кан?"- деган хаёллар билан юраман. Қишлоғимизнинг айрим одамларига ҳайрон қоламан. Нуқул бировни ғийбат қилишгани-қилишган. Уйимизга келаётган совчиларни ҳам ҳар хил ғийбат гаплар билан қайтариб юборишади. Наҳотки, менинг бахтим уларга малол келаётган бўлса. Бу сўзларни ёзаяпману кўзим тўла жиққа ёш. Яхшиямки дунёда энг меҳрибон кишим - онам бор. Кўнглимни кўтарадилар, насиҳат қиладилар. "Қаддингни баланд кўтариб юр, қизим. Тушкунликка берилма. Гуноҳкордай бошингни эгиб юрсанг, бу одамлар яна каттароқ туҳмат тошларини отишади, баттар иғво қилаверишади. Унда мен нима қиламан",- дейдилар. Гоҳида ширин орзуларга бериламан: «Менинг ҳам тўйим бўларми-кан? Келинликнинг оқ либосини кийиш насиб этармикан? Қайнона-қайнота хизматию, йўл-йўриқлари, панд-насиҳатларини эшитиш пешонамда бормикан?»-деб ўйлайман. Ўша кунлар келишини орзиқиб кутаман. Баъзилар: "Бу қиз намунча эрта турмушга чиқмоқчи",- деб ўйлаши мумкин.

Қишлоқда 18-19 ёшдан ўтсангиз "қариқиз" дейишади. Мен кўпроқ шундай гап-сўзлардан қўрқаман. Зора менга ҳам дардкаш, суянчиқ бир меҳрибон инсон учраб қолса, дея орзу қиламан. Сўнгги илинжим фақат сиздан, азиз юртдошларим. Сизларнинг насиҳатларингиз, ёрдамингизга муҳтожман.

**Г.**

**Сирдарё вилояти**

# РОМАННИНГ ДАВОМИНИ КУТАМАН

**Ўзбекистон халқ ёзувчиси МИРМУҲСИНга**

Қадрли ва азиз Мирмуҳсин ака, сизга қарийб бир йилдан бери мактуб ёзай дейману бироқ қаерга ёзишни билмайман. Ўйлаб-ўйлаб нуфузли ва севимли газетамиз "Оила ва жамият" орқали сизга дил сўзларимни айтишга журъат этдим.

"Хўжанд қалъаси" номли тарихий машҳур романингизни қайта-қайта ўқидим. Романда тасвирланган воқеалар, Хўжанд ҳокими Темур Малик қисмати улуғ юрт қисмати мени олис мозийга — Алоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврига олиб кетди. Ўзидан қарийб 100 баробар кўп душман галаларига қарши курашган Темур Малик... Унинг дўсти букилмас, тенгсиз ирода соҳиби Султон Жалолиддинлар... Мўғулларнинг илм-фан, маданиятдан ниҳоятда йироқлиги, воқеалар ниҳоятда усталик билан тасвирланган. Мени китобни ўқигандаги ҳаяжон ҳануз тарк этгани йўқ. Роман айниқса ҳозирги мустақиллик даврида она-юрт, Ватанга садоқат туйғуларини тараннум этганлиги учун ҳам ғоят қимматлидир. Мен сизнинг улкан меҳнатингиз, ижодингиз, салоҳиятингиз, талантингиз олдида бошимни эгаман. Романнинг давоми сифатида Султон Жалолиддиннинг тақдири, курашлари, мислсиз жасорати ҳақида етук роман кутиб қоламан.

Азиз Мирмуҳсин ака! Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайман. Мустақил Ватанимиз тарихи ҳақида янги асарлар кутиб қоламиз. Бу йўлда сизга яратган эгам ёр бўлсин!

**Саломат МАМАТҚУЛОВА**
**Самарқанд вилояти, Тайлоқ кўрғони**

# БИРОВГА ҚУЛМОҚ, ОҒИР ГУНОҲДИР...

Ўртоғим Сирожиддин билан Юнусобод бозори олдидан 91 автобусга чиқдик. Автобус йўловчилар билан тирбанд. Олдинги ўриндиқлардан бирида ёшлари 50 лар атрофидаги бир ҳофиз дутор чалиб, қўшиқ куйламоқда. Одамларга назар солдим, ҳамма жим. Ҳофизнинг дард билан куйлаётган нолаларини йўловчилар берилиб тингламоқда. Айниқса, ҳофизнинг Она ҳақидаги қўшиғи ҳаммани карахт аҳволга солди. Ёнимдаги дўппи кийган бир-бирига ўхшаш икки йигит (афтидан ака-ука бўлса керак) кўз ёшларини тия олишмасди. Автобус "Бодомзор" бекатида тўхтаганда 17-18 ёшлардаги тўртта йигитча чиқди. Улар автобусга чиқиб шанғиллаб гапиришни бошлашди. Куйлаётган ҳофизни эса мазах қила бошлашди. Кўзлари йиғлаётган йигитларга тушганда, кулиб юборишди. Ўша ерда ўтирган 70-75 ёшлардаги бир мўйсафид: "Ҳой, такасалтанглар, овозларингни ўчирларинг",-дегандан сўнг улар жим бўлиб қолишди. Биттаси эса чўнтагидан 50 сўмлик пул чиқариб, гўё айбини ювоётган кишидек ҳофизга қараб отиб юборди. Куйлаётган ҳофиз ҳеч нарсани сезмагандек қўшиқни давом эттирарди. Лекин юзидан кўнгли жуда-жуда ўксиганлиги сезиларди.

Бу воқеага хулоса чиқармоқни газетхонларнинг ўзларига ҳавола этишдан аввал хотима ўрнида пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги муборак ҳадисларини келтирмоқчиман:

"Банданинг савоб-тарозисида яхши хулқдан оғирроқ амали йўқдир. Унинг даражаси ҳатто намоз ва рўзанинг даражаси билан баробардир".

**Рўзиқул НИЗОМИДДИНОВ**
**Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани**

# ЎҒЛИМ ЕТИМ БЎЛИШИНИ ИСТАМАЙМАН

Оилавий ҳаётим барбод бўлиш арафасида турибди.Сабаби умр йўлдошим отасининг гапига кириб мени ташлаб кетди. Унинг тили тезоблиги, ҳар хил гапларни ўйламай гапириб юбориши туфайли оиламизда тез-тез жанжал-тўпалонлар бўлиб туради. Мана бу сафар ҳам арзимаган нарсадан жанжаллашиб қолдик ва у отасини бошлаб келди. Қайнотам уйимизга келиб оғзига келган гаплар билан мени ва отамни ҳақоратлади. Қизига: "Бўлди, сен энди бу уйда бир кун ҳам яшамайсан",-деди. Хотиним отасидан ўғлимизни ҳам олиб кетишини сўраганида қайнотам: "Сени боққаним ҳам етади, отаси нима -ю, боласи нима қилиб берарди",- дея қизини олиб кетди. Маҳалла раислари, қариялар уларни қайтаришга қанчалик уринишмасин бари бефойда кетди.

Хотиним билан жанжаллашиб турганимизда қўшни келин чиқиб қолиб, ҳамма гапни эшитганди. Шунинг учун айб кўпроқ хотинимда эканини яхши билади.

Орамиздан қандай гап-сўзлар ўтган бўлмасин, мен барибир хотинимни яхши кўраман. Усиз яшай олмаслигимни ҳам яхши биламан. Ўғлимни тирик етим қилиш ниятим йўқ. Чунки мен ўзим етимликнинг нонини еб катта бўлганман. Онасиз қолиб отамнинг қўлида ўсганман. Бу дунёда асли ёлғизман. Ушбу мактубим "Оила ва жамият"да босилиб чиққач, зора хотинимнинг кўнгли юмшаса ва уйга қайтиб бағримни тўлдирса, деб умид қиламан.

**Шароф ДЎЛАНОВ**
**Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани**

**Мактубларингизни ўқиб...**

# ЗАЙНАБГА АЙЛАНИШДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

Ёшим 18 да. Олти ойларча бўлди, Қ. исмли йигит билан танишиб қолдим. У жуда келишган, хушмуомалали. Мендан 12 ёш катта. Оилали, хотини ва бир қизи бор. Таксичилик қилади. Бизнинг эса магазинимиз бор. Акам иккаламиз шу магазинда ишлаймиз. Акам магазинимизга таксида товар олиб келаётганларида Қ. билан танишиб қолганлар. Бир-бировларига маъқул бўлишиб, керакли пайтда бирга товар олиб келишадиган бўлишди. Бора-бора дўстлашиб, оилавий борди-келди қила бошлашди. Онам ҳам уни яхши кўриб қолиб, ўз укаларидек кўрадиган бўлдилар. У ҳаммамиз билан, шу жумладан мен билан ҳам яхши муносабатда бўлади. Мен эса бу вақт ичида уни яхши кўриб қолдим. Бизникига хотини билан келадиган бўлса, рашкдан ҳушимдан айрилай дейман. Бу орада менга ҳам совчилар кела бошлади. Бир сафар онам ундан маслаҳат сўраганларида: "Тенги бўлса, тузукроқ жой бўлса, бераверинг",- деди. Мен унинг бу гапидан жаҳлим чиқиб роса йиғладим. Наҳотки, уни севишимни билмаган бўлса, деб. Кейинчалик унга уни севишимни, усиз яшай олмаслигимни билдирдим. У аввалига бу гапимдан жаҳли чиқиб, мени тартибга чақирди. Мен кўнмасдан ўз сўзимда туриб олиб, уни учрашишга чорладим. Ҳозир иккаламиз ҳеч кимга билдирмай гаплашиб юрибмиз. Лекин у онамдан жуда қўрқади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ онам мени Н. исмли бир йигитга узатиш тараддудида юрибдилар.

Мен эса Қ.га турмушга чиқишни хоҳлайман. Инсон дунёга бир марта келади. Севишга, севилишга ҳаққим бор-ку. Ҳар бир қиз ўз Отабеги бўлишини истайди. Мен ҳам ўз ёрим — Отабегим Қ. бўлишини истайман. Ҳурматли "Оила ва жамият" газетаси ходимлари менга маслаҳат беринглар. Ўз бахтимга эришишим учун нима қилай?

**Ф.**

**Қашқадарё вилояти**

***Синглим, менимча севиш-севилиш масаласида шошилаяпсиз, шунинг учун шахсий ҳаётингизни хатолар билан бошлаш арафасида турибсиз.***

***"Севишга, севилишга ҳаққим борми»?- дебсиз. Бор албатта. Қани эди шундай бахт ҳар бир инсонга насиб этса. Лекин, бировнинг ширингина яшаётган оиласини бузсангиз... Оллоҳнинг қаҳридан қўрқмайсизми?***

***"Ҳар бир қиз ўз Отабеги бўлишини истайди, менинг Отабегим Қ. бўлишини истайман",- дебсиз. Орзуга айб йўқ, бироқ сизнинг танлаганингиз аллақачон бировнинг Отабегига айланган-ку. Унинг ўз Кумушбибиси бор. Сиз эса Зайнабга айланиш арафасида эканлигингизни наҳотки сезмадингиз? Хуллас, шу йўл сизни бахтли ҳаётга олиб боришига ишонасизми? Албатта йўқ. Ҳали ҳам бўлса эсҳушингизни йиғиб, яхшилаб ўйлаб иш қилинг.***

**Лола АҲМЕДОВА, хатлар бўлими мудири**

# СЕНИ ҚАНДОҚ УНУТАЙ БЕГИМ?..

Сирдарёлик Г. исмли синглим! 19 ёшда бўлсам-да, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини кўрдим. Онам билан яшайман. Умид билан турмушга чиқиб, 2 кундаёқ ажрашиб кетдик. Орадан анча вақт ўтиб бозорга чиқдим. Шунда Ш.исмли уйланмаган йигит билан танишиб қолдим. У ақлли йигит эди. Кўп нарсаларни Ш.дан ўргандим. Охири унга ўрганиб қолганимни ҳам билмай қолдим. Ш. ҳам шундай эди, мени бировлардан рашк қиларди,-деб ёзибсиз. Муҳаббат кўнгил гули, кўнгил мулки уни истаган одамингизга тутиш сизнинг ихтиёрингиз. Бизгаки хат ёзаркансиз худди шу йўлда изтироб тортаётганингизга ишондик.

«Бир куни тўйга боргандик. Ш.нинг дўсти уйланаётган эди. Тўйдан дарров кетмоқчи бўлганимизда Ш. бироз ўтиришимизни, ўзи кузатиб қўймоқчи эканини айтди. Мен: "Тезда боришим кераклигини, уйдагилар хавотир олишини" айтдим. Шунда олдимиздан менга акамдек бўлиб қолган О. ўтиб қолди. У биз томонда турарди, бирга кетмоқчи бўлдик. Ш.эса уришиб кетди. кейин жаҳл билан кетиб қолди. Мен эса йиғлаб қолдим. Ҳозир у бир қиз билан юраяпти. Шунга уйланмоқчи эмиш. Мен унга муносиб бўлмасам-да, куйиб кетаяпман. Ахир менинг турмушим бузилган, у эса ҳали уйланмаган. Уни юрагимдан чиқариб ташлай олсам эди, кунда келаётган совчиларнинг бирига "хўп" деб юборган бўлардим. Аммо!..»

Аммо!.. Бунинг иложи йўқ демоқчисиз-да, шундайми? Балки Ш. чиндан ҳам сиз излаган шаҳзодадир. Уни севганингиз айб эмас. Ш. сизга уйланмоқчи бўлганида ҳам унинг ота-онаси норози бўлишини ўйламаяпсизми? Иккинчи марта ҳам куйиб қолманг-да. Ш. барибир бир куни юзингизга солиши аниқ. Совчилар келаётган экан, орасида турмушнинг аччиқ-чучугини тушунадигани, сизни бахтли қиладигани бордир. Етти марта эмас, етмиш марта ўйланг. Яхши инсон билан оила қуриб яхши фарзандлар кўрсангиз, кўл етмасдек туюлган севгини ҳам унутиб юборасиз, ҳали. Сизга берадиган маслаҳатимиз шу.

**Басира САЙИДАЛИЕВА**

# НОЗИК ТАЪБ ЙИГИТЛАР ЎҚИМАСИН

*«Совчи кутган йигит»—10-сон*

**ЭСЛАТМА:** ***Мен унга бефарқ эмасман. Уни яхши кўраман. Лекин, совчи қўя олмайман. Ахир қиз боланинг йигит уйига совчи йўллаши уят эмасми? Бироқ, севаман, нима қилай?***

**СУРАЙЁ**

Сурайёхон синглим, агарда сиз гапларимни тўғри тушунсангиз, севги йўлида анчагина адашибсиз. Мен бундай йигитлардан нафратланган бўлардим. Лекин, ўзбек йигитларимиз орасида шундай ориятсиз йигитлар чиқиб қолаётганлигидан кўпчиликни хабардор қилиб тўғри йўл тутибсиз. Сиз айтган ўша чиройли йигит халқимизнинг: "Усти ялтироқ, ичи қалтироқ" иборасига жуда мос келар экан. Қалби пок, ички дунёси чиройли ҳақиқий йигитлардан эса бундай ориятсиз, мантиқсиз гаплар чиқмайди. У қандай йигит эканки, ўз чиройига нозланиб, йигитлик ғурурини, ор-номусини бозорга солса. Осмондаги ой бўлганда ҳам эр киши эканлигини унутиб қўймасинда. У ўзининг фалсафаси билан аёл зотини, қизгиналарни оёқ ости қилиб, уларнинг нафсониятига тегаётганини билмабдими? Нафақат аёл зотини, балки мард, қатъиятли эркакларимизни ҳам ғурурини поймол қилишку бу. Ҳайф шундай йигитларга эркаклик номи.

Сурайёхон синглим, бундай йигитларга ўзини гул эмас, хазон билиб, оёқ ости бўлишни истаган қизларгина совчи қўйиши мумкин. Сиз инсонни ташқи қиёфасига қараб эмас, ички дунёсининг гўзаллигига қараб баҳо беринг. Шунда бир умр сизни бахтли қила оладиган инсонни танлай оласиз.

Энди шу йигитга бир оғиз сўз "Совчи кутган йигитча", агар қарорингиз қатъий бўлса, атласдан либос тиктириб, чой дамлаб уйингизда совчиларни кутиб ўтиринг. Зора ўзингизга ўхшаган бирортаси келиб қолса.

**Раҳимахон ХАЛИЛОВА**
**Марғилон шаҳри**

# КЕЧИРИШИНГ КЕРАК, ОТАБЕК

*«Уни кечиришим мумкинми?»—41-сон, 2001 йил*

**ЭСЛАТМА:** ***Наргиза исмли қизни севардим. Бир-биримизга ишонардик. Иш билан Бухорога — тоғамникига кетиб, икки ярим ой қолиб кетдим. Келсам, у бадавлат кишининг ўғли билан гаплаша бошлабди. Буни бир тўйда ўзим ҳам кўриб қолдим. Ҳатто у мен билан сўрашмай ҳам ўтиб кетди. Мен яна тоғамникига кетиб, тўрт ойдан сўнг келдим. Наргизани эса ўша йигит ташлаб кетибди. Энди у мен билан ярашмоқчи. Уни кечирайми, ёки...***

***ОТАБЕК***

Отабек! Хатни ўз вақтида ёзибсан. Бир қизни севиш ёки севмаслик ҳам ҳаётнинг жиддий муаммосидир. Муҳаббат одамларни не кўйларга солмаган. Муҳаббат шундай кучки, у кимнидир "девонаи Машраб"га айлантирган бўлса, кимнидир "Мажнун" қилган. Бу шундан далолатки, муҳаббат қудратли кучдир.

Ошиқу беқарор бўлган Отабек! Сен Н.ни севишингни ёзибсан. Тоғангникида ишлаб келганингдан кейин Н. бошқа йигит билан гапиришиб юрганини кўриб, у қизни бутунлай эсимдан чиқараман, деб ўйладинг. Аммо, Н.ни бутунлай эсингдан чиқариб юбора олмадинг. Яна тоғангникига ишлашга кетдинг. "Лекин Н.ни юрагимдан чиқариб ташлай олмадим",- деб ёзибсан. Тоғангникидан қайтиб келганингда бутунлай бошқача ҳолатни кўрдинг. Ўша бойвачча йигит уни ташлаб кетган экан. Н. катта хатога йўл қўйганлигини ва сенинг кечиришингни сўрабди. "Лекин қандай қилиб Н.ни кечиришим мумкин",- дебсан. Кечирмай иложинг йўқ. Ўзи илтимос қилибди. Кечиришинг керак, Отабек. Чунки, "Н.ни ҳамон севаман", деб ёзибсан. Н. сени ҳали ҳам севар экан. Сен сира иккиланиб турма. Агар сен Н.ни унутсанг ва бошқа билан турмуш қурсанг, биринчи севги барибир дилингда армон бўлиб қолаверади ва бир умрлик армонни юракда сақлаб юриш жуда оғир кечади. Ўша қизга уйлансам бўлар экан, деган фикр сенга тинчлик бермайди.

"Олдинги савдо — савдо, кейингиси ғавғо", деган гаплар бор. Севги умр савдоси. Сен ўйлаб иш тутишинг керак. Н.ни бирдан унутиб юборма. Сенда кўнгли бор экан. Биринчи муҳаббатдан кечиб кетма. Қани, гапиришиб кўр. Н. нима дейди? Сен унинг сўзидан, кўзидан, юриш-туришидан билиб оласан. Севгиси ҳақиқатми ёки сохтами? Агар севгиси чин бўлса, биринчи муҳаббатни оёқ ости қилма, уни улуғла ва ардоқла.

**Юнус ТОЛИПОВ,**
**меҳнат фахрийси**

**Тошкент шаҳри,**
**Чилонзор тумани**

# УЧЧАЛА КЕЛИНИМ ҲАМ ОЛТИН

*«Бахт калити — тилда»—6-сон*

**ЭСЛАТМА:** ***Ота-онамнинг ёлғиз ўғлиман. Ўқиб, яхши касбнинг эгаси бўлдим. Онам танлаган Мадина исмли қизга уйландим. Уч фарзандли бўлдик. Лекин ёш хотиним муомала-муносабатни, андишани билмайдиган экан. Унинг бундайин рафторидан эзилган отам касал бўлиб, шифохонада қазо қилдилар. Хотиним эса шўрлик онамга ҳам кун бермай қўйди. Онам тугунини кўтариб бир кун синглимникида, бир кун опамникида...***

***МИРЗОҲИД***

Очиқ айтишим керак, Мирзоҳидга жуда ачиндим. Жуда ақлли йигитга ўхшайди. Ота-она энг улуғ зот ҳисобланади. Халқимизда: "Бола белда, хотин йўлда, ота-она қайда", деган нақл бор. Шуни унутманг. Ҳеч ким боласини ёмон кўрмайди. Ҳатто қурт-қумурсқа ҳам, қўнғиз, типратикан ҳам боласини ардоқлайди. Энди сизга кекса ота сифатида икки оғиз маслаҳат, ундай хотинни боридан йўғи яхши. Ҳаммадан ҳам менга таъсирли жойи: "Эримнинг топганини қизлари билан еб битиради",-дегани. "Сенинг эринг ўша инсонларни боласи-ку, ёки ўзинг тўғиб катта қилиб эр қилиб олдингми?"- дегим келади унга. Юртчилик-ҳар хил воқеалар бўлиб турар экан. Маҳалламизда шунга жуда ўхшаш воқеа содир бўлган эди. Бир йигит икки боласи билан оиласидан ажрашди. Ажралиш сабабчиси аёл эканми, орадан 3-ой ўтмасдан болаларини етаклаб келиб, йиғлаб-сиқтаб узр сўради. Ҳозир бинойидек яшашмоқда. Ўғлим сиз, болаларингиздан ёрдамингизни аяманг, катта бўлишса, албатта олдингизга келишади, оқниоққа, қорани-қорага ажратишади. Тириклигида онангизга дуосини олинг. Менда ҳам учта келин бор. Уччаласи ҳам олтин. Кампирим қазо қилган. Ҳамма келинларим атрофимда гирдикапалак: "Нима ейсиз, нима ичасиз",- деб парвона бўлишади. Эртаю кеч дуои жонларини қиламан. Яхшиликлари болаларидан, келинларидан қайтсин, деб яратганга илтижо қиламан.

**Зиёвуддин ҚАЮМОВ,**
**Наманган шаҳри,**
**«Янги ҳаёт» маҳалласи**

# КЕЙИНГИ ҲАЁТИНГИЗ ҲАҚИДА ҲАМ ЁЗИНГ

*«Хатоимни тушуниб етдиму...»—12-сон*

**ЭСЛАТМА:** ***Дилмурод исмли йигитни ёқтирсам-да, отамни дўстининг ўғлига турмушга чиқдим. Рашид акам бир куни у билан гаплашаётганимни кўриб қолди. Бир мушт еган Дилмурод эса, кечирим сўраганича кетди. Шу орада Рашид акам хизмат сафарига кетадиган бўлди. Ҳаж-лашарканмиз, ўзимни йўқотиб қўйдим. Уни севиб, боғланиб қолганимни тушундим. Бироқ энди кеч бўлмадимикан?***

***ГУЛҲАЁ***

Гулҳаёхон, сиз эндигина ўн саккиз ёшга кирибсиз. Лекин аллақачон ҳаётнинг аччиқ-чучугидан татиб кўришга улгурибсиз. Дилмуродни севиб, унинг учун ҳамма нарсага тайёр экансиз. Лекин у сизни сизчалик севар эдими? Агар севса, нега лоақал бир марта бўлса ҳам уйингизга совчи юбормади? Дилмурод сизни шунчаки овунчоқ сифатида олиб юрган. У севгингизга енгил қараган. Сиз ота-онангиздан ноўрин хафа бўлгансиз. Сиз ҳаттоки жонингизга қасд қилмоқчи бўлибсиз. Хуллас, ота-онангиз розичилиги билан турмушга чиқибсиз. Лекин сиз сабр-бардошли, дунёга ўзгача меҳр билан қарайдиган инсонга турмушга чиқиб ҳам яна барибир Дилмурод билан муносабатингизни тўхтатмабсиз. Сизнинг энг катта хатоингиз шунда. Агар сиз тўйингиздан кейин Дилмурод билан орани очиқ қилиб олганингизда маъқул иш бўларди. Сиз эса ҳар сафар Дилмурод билан учрашаркансиз, қанийди Рашид акам кўриб қолса, ана шунда ажрашиб кетардим, деб ўйлабсиз. Охир-оқибат кўриб ҳам қолибди. Лекин у олижаноб инсон экан. Мабодо Рашид сиздан ажралиб кетса, шунда Дилмурод билан турмуш қуришга ақлингиз етармиди? Йўқ, уйланмаган йигит эридан ажралган "қиз"ни ҳеч қачон биринчи хотин қилиб олмайди. Минг афсус, сиз, бу томонини кеч англадингиз. Энди сиз тақдирингизга тан бериб яшашингиз керак. Чунки ёнингизда сизни бир умр бахтли қиладиган инсон бор.

Гулҳаё, сиз Рашид акангизни шундай кутиб олингки, ўша куни уйингиз гўёки тўйга айлансин, шундан кейин ҳақиқий, мазмунли ҳаётингиз бошлансин.

Гулҳаё синглим, бизни қизиқтираётган нарса-агар Рашид акангиз сафардан қайтган бўлса, бугунги ҳаётингиз қандай давом этяпти? Иложи бўлса, ана шу ҳақда ҳам севимли газетамизга ёзиб юборинг. Мактубингизни интизорлик билан кутамиз. Сизга ўхшаб "севги боғига" кириб қайтиб чиқолмаган акаларингиз —

**Фарҳоджон МАМАТОВ,**
**Холматжон СУЛТОНОВ**

**Фарғона вилояти,**
**Бувайда тумани,**
**Чўмбоғиш қишлоғи**

АКС САФО

# ЭГИЛГАН БОШНИ ҚИЛИЧ КЕСМАС

*«Алданган кўнгил»—4-сон*

**ЭСЛАТМА:** ***Унинг узлуксиз қўнғироқлари, иш жойимга келиб ҳамсуҳбат бўлишлари... Охир-оқибат оиламни ташлаб кетдим. Кўп ўтмай йўл қўйган хатоимни тушундим. Мен аёлим ўрнига аёл топибману, аммо фарзандларимни йўқотибман. Хуллас, ишимдан путур, ҳамёнимдан барака кетди. Аламимни ичимликдан ола бошладим. Ёш хотинни ҳам ҳайдаб юбордим. Энди баридан йироқ, баридан ёлғизман.***

***ДИЛМУРОД***

Дилмуроджон, танишингиз Мансурнинг бошидан кечган синоатлар фақат сизни эмас, бизни ҳам ҳайратга солди. Бугина эмас, кўпчиликнинг нафратини қўзғади. Ахир, ўттизни қоралаган, икки қизалоқни дунёга келтирган, гулдек оиланинг хўжаси бўлган одам ҳам шундай калтабинлик қиладими? Тағин: "Юракларни куйдирувчи муҳаббат туйғуси менинг оиламни пароканда қилиб, мавқе ва давлатимдан айирди.- ..Охир-оқибат кундан-кунга оиламдан, аёлимдан совий бошладим. Оиламдан воз кечдим, ташлаб кетдим",-дейдия тап тортмай. Бу эррайим эрлик ва оталик масъулиятини унутиб мақтанишини қаранг-а!

Эсингизда бўлса ҳассос шоиримиз Эркин Воҳидов "Ақл ва юрак" шеърида инсонларни ўйлаб иш юритишга чорлаганди:

**Икки куч бор: юрак ва ақл,**
**Икки ёнга тортувчи мени?**
**Қай бирининг тутай измини?**
**Улар бундоқ бўлса ноаниқ.**
**Мени бир ён бошласа ақлим,**
**Бошқа ёнга етаклар юрак.**
**Билолмайман қай бири ҳақли,**
**Қай бирига ишонмоқ керак?**
**Ақллининг ҳар қадамини.**
**Солмоқ бўлар тарозу тошга,**
**Ҳар дақиқа тергайди мени,**
**Ўхшама деб кўча бебошга.**
**Ақл айтар: севдинг ўша қиз?**
**Айт-чи сенга қилурми вафо?**
**Юрак фақат севди, севгисиз -**
**Яшамоқдан борми ҳеч маъно?!**

Ҳа, 30 га кириб, ақл билан иш тутиш ўрнига 20 ёшли "жонон"нинг чилдирмасига ўйнаса-я! Чиройига ўт тушмайдими бундай суюқоёқ қизнинг! Бундайлар ота-онасига ҳам лаънат ёғдиради. Яна Мансурнинг: "Қиз ҳам суратан ҳавас қилгулик хилқат эди. Кўча-кўйда юрсак кўплар ҳавас билан қарарди",- дея мақтанганига ҳайронман. Кўп ўтмай, у йўл қўйган хатосига тушуниб: "Мен аёлим ўрнига аёл топибман-у, аммо фарзандларимни — ишдан келишимни кутиб, бўйнимдан қучадиган қизалоқларимни йўқотибман... Улар тенги қизларни кўрсам, юрагим увишади",- дея оҳу-надомат чекиши-чи! Бу ҳолни "сўқир кўзнинг очилиши", деса бўлади.

Аламини ичкиликдан ола бошлаган Мансур ёш хотиннинг зуғумига чидолмай, унинг юкини машинага ортиб ҳайдаб юборибди. Ошиқлик ўқдек, совиса...дек бўлибди-қолибди. Унинг ҳамма нарсадан: оиласидан, асалдек қизалоқларидан ва амалидан ажраб ёлғизликда ўкиниб яшаётгани юртимиздаги ўзи каби сохта "ошиқ"ларга ибрат бўлгуси!

Оғзи куйган Мансур бундан буён совуқ сувни ҳам пуфлаб ичса керак. Унга эндиги маслаҳатим шундай: ҳали ҳам бўлса "Эгилган бошни қилич кесмас", деган нақлга амал қилиб аёлидан узр сўраб, хатосини тан олиб фарзандлари бағрига бориши, агар у кечира олмаса, кўпни кўрган маҳалла фаолларидан бирини ишга солиши зарурга ўхшайди. Шоядки, фарзандлар келажагини ўйлаб аёлининг кўнгли юмшаса. Оиласи тикланиб, фарзандлари билан яшашини Оллоҳдан тилаб қоламиз. Бу таклифга Дилмуроджон ҳам қўшилса керак, бизнингча.

**Афифа ҲАСАН қизи**

**ҒАЙРАТ ака!**

*Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман. Яратгандан ҳаёт йўлингиз бундан-да чароғон бўлишини, кўнглингиз тубидаги барча эзгу орзулар ушалишини, беғубор чеҳрангиздаги табассум сизни ҳеч қачон тарк этмаслигини сўраб қоламан. Бахтимга доимо соғ-омон бўлинг деб,*

**Ҳабибингиз**

**Биз учун азиз ва севимли бўлган дадажонимиз АБДУҒОФУР!**

*Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Аям билан бирга бизни роҳатимизни кўриб юринг. Оиламиз номидан севимли қизингиз,*

**Нодира**

**Азиз фарзандимиз ФАХРИДДИНЖОН!**

*Сени 8 апрел — туғилган кунинг билан табриклаймиз. Сенга ҳамиша омад, бахт-саодат ёр бўлсин.*

**Аяжонинг, сингилжонинг ва даданг,**
**Қудратовлар оиласи**

**Севимли ўғлимиз Нурмуҳаммад АКМАЛ!**

*Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, соғлик тилаймиз. Келажакда мартабаси улуғ инсон бўлиб яшагин.*

**Даданг, онанг, аканг Шуҳрат ва Ўктам, синглинг Гулнора, келинойинг Феруза, Сайёра, жиянларинг Ҳулкар, Шоҳжаҳон, Азизахон**

**Ҳурматли ва азиз акажоним Фузайлиддин ТЎХТАСИНОВ!**

Сизни 3 апрел куни 35 баҳорни қаршилаганингиз билан қутлаймиз. Сизга соғ-омонлик, узоқ -умр, оилангиз ва биз сингилларингиз бахти учун ҳамиша соғ бўлинг.

**Самарқандлик сингилларингиз — Зулхумор, Зулфия, куёвларингиз ва жажжи жиянларингиз**

**Ҳурматли Наргиза СОДИҚОВА!**

*Сизни 7 апрел — туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклайман! Сизга узоқ умр, соғлиқ, бахт, ўқиш ва ишларингизга катта ютуқлар тилайман.*

**Ўғлим РАВШАН!**

Сени 10 баҳоринг билан табриклайман. Сенга омад, соғлиқ, узоқ умр тилаб,

**аданг Ғиёсиддин**

**«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**1-ойлик:** - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.
**2-ойлик:** - Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 4000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 4000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 4000 сўм. - Уй ҳамшираси. Бир ойга 4000 сўм.
- Энг замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 4000 сўм.
**1-Манзилимиз: Метронинг "Тинчлик" бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: «Зукко» фирмасининг ўқув маркази. "Адидас" дўкони ёнида. Тел: 42-36-71**

**3-ойлик:** - Бичиш-тикиш. Бир ойга 4000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 3500 сўм. - Инглиз тили (давом эттирувчилар учун). Бир ойга 4000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 4000 сўм. - Теле-радио усталари. Бир ойга 4000 сўм.
***Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқитишга кафолат беради. Ҳамма ўқишлар амалиётги билан.***
**2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозоғистон» кинотеатри биноси ичида.**

**"MADINA BEGIM" ЎҚУВ МАСКАНИ ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**1. Сартарошлик-3 ойлик. 2. Массаж-2 ойлик. 3. Уй ҳамшираси-3 ойлик (бир ой амалиёти билан). Ҳамшира-фармацевт - 1 ойлик. 4. Қандолатчилик- 2 ойлик. 5. Замонавий усулда парда ва пакриваллар тикиш (каталог асосида). 6.Косметология-2 ойлик. 7.Компьютер - 2 ойлик. 8. Инглиз тили 2-ойлик. 9. Тасвирий маникюр - 1 ойлик. 10. Эркаклар сартароши — 1 ой (салонда).**
***Парда ва торт тайёрлаш учун буюртма қабул қилинади.***
Амалиёти билан битирганларга диплом берилади.
**Манзилимиз:** "Хадра" меҳмонхонаси ичида. 56 "*"-уй, 5-қават. Мўлжал: Цирк-нинг ўнг томонида. **Тел: 144-28-11, 45-95-48.**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»**

**Қуйидаги пулик курсларга қабул эълон қилади:**

● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - **4 ойлик**; ● пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - **3 ойлик**; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плашчларини бичиш ва тикиш - **3 ойлик**; ● Замонавий, ҳар фаслга мос эркаклар кийими - **2 ойлик**.
Кўйлак, шим, костюмлар — ҳар кунга, классик ва спорт усулига мос — костюм, фрак, нимча, куртка, плаш, пальтолар.
Машшулотлар кичик гуруҳларда ҳар куни олиб борилади.
**Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.**
**Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.**
**Мўлжал: Метронинг «Амир Темур» бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.**

***Шерали ҲОЖИЕВнинг "Мўтти" сутудияси ўқув курсларига қабул қилади.***
1. Актёрлик маҳорати.
2. Сухандонлик.
3. Шоу-дастурлари бошловчиси.
**Тел: 41-33-96, 58-48-50**

**Косметолог: Ёшартириш, оқартириш, юз массажи, юз тозалаш сеансларини олиб боради. Крем, маскалар тайёрлайди. Хуснбузар, соч тўкилишини даволайди. Тел: 35-39-93. ҲИЛОЛА**

**СОТИЛАДИ: 8 сотих ери бор, 6 хонали, 10 туп узуми, 2 сотих иссиқхонаси, ҳаммоми, канализацияси, гази, суви, катта темир дарвозаси, иккита ошхонаси бор ҳамма қулайликларга эга бўлган уй шошилинч ва арзон нархда сотилади. МАНЗИЛ: Беруний бекатидан «Минвода» санаторияси томон кетувчи 60-, 104-, 473- автобусларнинг "Олтинтепа" бекати. Шуҳрат кўчаси, 3-уй, ўнг қўлда. ДИЛБАР опа. Телефон: 110-33-87**

**"BEGOYIM - SERVIS" - ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:**

Сартарошлик — 1 ой (тўй ва оқшом гуллари);
Сартарошлик — 2 ой;
Косметология — 2ой;
Парда, пакривал (элита) — 2 ой;
Пальто, плаш бичиб, тикиш — 1 ой;
Кулинария — 2 ой;
Уй ҳамшираси — 2 ой;
Массаж — 2ой;
Инглиз тили — 3 ой;
Олий даражадаги кулинария — 1 ой (келин-куёв шаклини ясаш).

*Ҳамма дарсларимиз амалиёт билан ўтади. Ўқишни тугатгандан кейин диплом берилади.*

**1-Манзилимиз: "Мустақиллик майдони", Ўрда бекати.**
**Анҳор бўйи 6-уй («Мустақиллик» метро бекати). Тел: 41-16-63.**
**2-Манзилимиз: Бухоро шаҳри, Чўлпон кўчаси, 12-уй.**
**Мўлжал: Эски пахта заводи рўпарасида. Телефон: 224-53-81**

## КЎНГЛИМДАГИ ҚИЗ БЎЛСА...

Уйланмаганман. Яхши касб эгасиман. Ота-онам танлаган қизлардан кўра, ўзим ўз тенгимни топишни маъқул кўрдим. Ёши 27 гача бўлган чимкентлик қиз билан танишмоқчиман. Маъқул келса, оила қурмоқчиман.

**Б.**

## ЎЗ ТЕНГИМНИ ТОПСАМ...

Ёшим 30 да. Тошкентдаги обрўли ташкилотлардан бирида ишлайман. Бўйи-бастим келишган, ўқимишли йигитман. Тақдир экан, аёлмнинг хиёнати сабаб оилам бузилди. На чора! Йигит бошим хиёнатни кечира олмади. Тониш-тутишим яхши, моддий таъминланганман. Дили дилимга, бўйи-бўйимга мос, кенг ва шинам ҳовлимизга гулдек ярашувчи гўзал ва суюкли ёрни излаяпман.

Тошкентлик, ўқимишли, оқила, чиройли, 26 ёшгача бўлган ораста ва лобар қизни топсам, катта тўй қилиб уйланиш ниятидаман.

**З.**

***Қайда ўзи ўша бахт?***

***ЭСЛАТМА: «Қайда ўзи ўша бахт?» рукни остида берилган эълонлар эгалари билан боғланмоқчи бўлганлар мактубларини таҳириятга юборишлари ёки ўзлари ташриф буюришлари керак. Телефон орқали маълумотлар берилмайди.***

**ОИЛА БЎЛИМИ**

**"САНАМ СЕРВИС"**
**ўқув маркази ўқувчиларни қуйидаги ўқув курсига таклиф этади:**

1. Бичиш-тикиш - **4 ой**
2. Юмшоқ ўйинчоқлар тикиш - **3 ой**
3. Замонавий усулларда "Элита" парда, чойшаб ва бежирим ёстиқлар тикиш, уй безатиш - **3 ой**
4. Фантазияли гул безаклар ясаш - **2 ой**
5. Торт, салатлар (келин-куёв ифодаланган торт пишириш) - **3 ой**
6. Ҳамширалик (амалиёт билан) - **3 ой**
7. Массаж (умумий) - **2 ой**
8. Инглиз тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун) - **3 ой**
9. Радио-техника - **3 ой**
10. Компьютер - **3 ой**
11. Косметология - **2 ой**
12. Бухгалтерия - **3 ой**
13. Зардўзлик - **4 ой**. Ҳамширалик -**2 ой.**

**1-МАНЗИЛ: Себзор даҳаси, 310-мактабнинг 1-қавати.**
**Мурожаат учун телефонлар: 40-20-59, соат 17.00 дан 22.00 гача.**
**2-МАНЗИЛ: Глинка-11, ИнтерАзия биноси, 4-қават, 406-хона.**
**МЎЛЖАЛ: Педагогика институти ёнида, Бобур боғи ва гул бозори қаршисида.**
**Тел: 54-98-57, 105-10-59**
**Лицензия: №05-3850**

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

**3 ойлик курслар:**
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, Интернетда Web-site.
- Компьютерларни таъмирлаш устаси

**2 ойлик курслар:**
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби, - Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси. **1-С Бухгалтерия** дастури — **1 ойлик.**
**- Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.**

**Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 58-48-50.**

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади**

***3 ойлик***
- Инглиз тили(бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);
- Бухгалтерия ва компьютер билими;
- Тикиш-бичиш, моделлаштириш.

***2 ойлик***
- компьютер билимлари: (Windows-98, MS office: Word, Excel, Power Paint, E-mail, Internet);
- компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш;
- замонавий бухгалтерия ҳисоби;
- «Элита» услубида замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш.

**Тугатганларга диплом ва сертификатлар берилади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси 13, 2-қават, 55- хона. Мўлжал: Навоий метроси, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55**

***Газетхонларимиз ижодидан***

## МЕҲРДАН ОЛАМ ЯРАЛҒАН

(Шифокор Муҳаббат ҚУЛАҲМЕДОВАга)

**Аслида меҳрдан яралган олам,**
**Меҳр бир қуёшдай нур берар танга.**
**Бир луқма ширин сўз гадоси одам,**
**Бир сиқим муҳаббат шифо баданга.**
**Баъзан хасталикдан, ё ғариблиқдан,**
**Эзилган кўнгиллар даво истайди.**
**Қочиб кетгинг келар шикасталикдан,**
**Юрак ёлгизликка даъво қистайди.**
**Шунда қуёш каби пайдо бўлади,**
**Меҳру муҳаббатга йўғрилган инсон.**
**Дардингни олади, фидо бўлади,**
**Дуойи раҳматга чўмилган инсон.**
**Исмлар осмондан тушади деган,**
**Нақл бор, лойиқ эт шафқатларингга.**
**Ўзинг марҳамат қил, ё қодир эгам,**
**Исми жисмига мос хилқатларингга.**

**Шарофат ТОШМИРЗАЕВА**
**ўқитувчи**

***Маслаҳатхона***

## ОЁҚЛАРГА ҲАМ ПАРВАРИШ ЗАРУР

Агар оёқларга яхши эътибор қилмасангиз, унда қадоқлар пайдо бўлади, ёрилиб, юрганда оғрийди. Териси қадоқ боғлаб, дағаллашган оёқларингизни 30 дақиқа давомида совун кўпиги солинган тоғорага солиб ўтиринг. Юмшагач, теридаги қаварикларни қиртишланг, сўнг артиб, бирор хил юмшатувчи ёғ суриб қўйинг. Агар қадоқлар қалинлашиб кетган бўлса, бошқачароқ муолажа усулини қўлланг. Яъни, оёқлардаги қадоқларга кўрда пиширилган пиёз босилади ва дока билан ўраб қўйилади. Бир неча соатдан сўнг оёқлар иссиқ сувда ювилади, эти юмшаганидан кейин терининг устки қисми қиртишланади. Ёки оёқ ости териси лимон пўчоғи билан артилади, сўнг касалланган жойи дока билан боғланади. Бироз вақт ўтгач, юмшаган оёқ терисини қаттиқроқ нарса билан ишқалаб, устидан ёғли крем суриб қўйилади. Ҳар куни ишдан қайтганингиздан сўнг оёқларни илиқ сув билан совунлаб ювинг ва тозалаб артинг. Оёқ тирноқларини ортиқча кесиш тавсия этилмайди, чунки кейинчалик унинг четини эт босиб, яна қадоқ пайдо бўлиши мумкин.

**ГУЛЖАМИЛА тайёрлади**

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.**

# ХОТИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛАДИМИ?

Онам дадам билан келишмаганлиги сабабли ўртада биз — икки ярим ва тўрт ёшлик фарзандлари борлигига қарамай ажралиб кетишган. Онам бизни дадамга ташлаб кетди. Дадамиз икки марта уйланганлиги туфайли ўгай оналар қўлида катта бўлдик. Дадам йўл қўймаганлиги туфайли онамизни кўрмай ўсдик. Чунки онамиз узоққа турмушга чиқиб кетган эдилар. Болалигимиз қандай ўтганини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Жисмонан нимжон, маънан қўрқоқ ва журъатсиз бўлиб ўсдик. Олий ўқув даргоҳида таҳсил олиш насиб этмади. Ошпазлик касбини ўргатувчи билим юртида ўқиб чиқдим.

Болалигимдан тез-тез оғриб турардим. Шифокорлар "туғма юрак пороги" ташхисини қўйишганди. Тез-тез муолажа олиб турардим. Касаллик устига-устак енгил нафас қисиш хуружи ҳам қўшилди. 25 ёшимда дадам мени узоқ қариндошимизнинг қизига уйлантирдилар. Хотин шундай бўлар экан-да деб, у билан яшайвердим.

Хотинимнинг онаси бозордан бери келмаган, шу туфайли ҳам уларнинг уйида ҳафтада ҳатто бир марта ҳам иссиқ овқат қилинмаган. Доимо кўчадан тайёр овқат олиб келиб кун кечиришган экан. Акалари орасида ўсган менинг хотиним эса умуман овқат қилишни, рўзғор юритишни, меҳмон кутишни билмас, муомала одоби, мулоқот-муносабат маданиятидан бехабар эди. Ўзим она меҳрига зор ўсган эмасманми, турмушнинг фарқига кўпда бормаганман. Хотинимнинг рўзғор юритишини оддий ҳол сифатида қабул қилганман. Ошпазман, шу сабабли доимо овқат тайёрлашни, супир-сидирни ўзим қилиб, кўнглим бўшлиги учун унга ҳеч нима демаганман. У эса фақат оёқ чалиштириб телевизор кўрар, онда-сонда кир ювар, йўлига

чала-чулпа уй йиғиштирар, қолган вақтлари хоҳласа ухлар, хоҳласа дам олиб ётаверарди.

Дадамнинг бир неча марта берган танбеҳи, амакилари ва онасининг насиҳатлари ҳам кор қилмади. Мана фарзандимиз учта бўлди. Болаларим ўзимдек меҳрга зор ўсмасин, ўзимдек етим бўлмасин, деб куйиб-пишиб ҳаракат қилдим. Соғлигим ночорлиги туфайли ҳозирча ишламаяпман. Оиламиздаги етишмовчиликларни дадам қилиб берадилар. Хотиним мактабда фаррошлик қилади. Рўзғор қилиш, супир-сидир, юв-тара, овқат қилиш менинг зиммамда. Хотиним умуман рўзғорга қарамайди. Уйимизга меҳмон чақиролмайман, чунки ҳамиша ивирсиб ётади. Меҳмонлар олдига дастурхон ёзишга хотиним нўноқ.

Дадам олиб келган гўшт ва сабзавот маҳсулотлари ачиб-сасиб кетса-кетадики, хотиним болалари учун-да овқат қилмайди. Ахийри болаларимнинг овқатсиз ўтирганига чидолмай, раҳмим келиб овқат қиламан. Ўн йилдан бери мана шу аҳвол.

Ўртоқларимнинг хотинларига қараб ҳавас қиламан. Уйлари саранжом-сариштa, илиқ кутиб олишади. Мазали овқатлар, пишириқлар билан дастурхонни тўлдириб қўйишади. Ҳаётим мана 32 йилдирки, етимлик билан, ўгай она қўлига қараб, ўксиниб давом этаётганини кўриб ўпкам тўлиб, кўзларимда ёш қалқийди. Болаларим бировларнинг боласидек топ-тоза кийиниб, гулдек бўлиб юришини хоҳлайман. Уни-буни кўриб менинг ҳам яхши яшагим келади.

Бир марта гап таъсир қилмагач, умримда биринчи марта тарсакилаб юбордим. Участкавойга бориб: «Мени роса дўппослади»,-дея устимдан шикоят қилди. Жарима тўлаб хотинимга қўл кўтармайдиган бўлдим. Яшаб яшамагандек ўтиб кетаётган умримни сарҳисоб қилиб ажрашишга қарор қилдим. Болаларимни севаман. Керак бўлса уччовини ҳам ўзим катта қиламан. Хотиним бунга ҳам кўнмаса, моддий томондан таъминлаб тураман. Унга қилинган насиҳатлар тошга қилинган насиҳат билан баробар. Мен ҳам яшашим керак ахир. Сизлар нима дейсизлар? Менга йўл кўрсатинг ва ёрдам беринг.

**ШАВКАТ**

**Тошкент шаҳри**

Дил изҳори

# ДУГОНАЛАР ОИЛАДАН АФЗАЛМИ?

Турмуш ўртоғим — Умида билан бир қишлоқда ўсиб-улғайганмиз. Оила қурганимизга ҳам 17 йил бўлибди. Икки ўғил, бир қизлик бўлдик. Эл қатори яшаб келаётгандик. Лекин негадир кейинги пайтлар Умида ўзгариб қолди. Арзимаган нарсалардан жанжал кўтариб, менинг устимдан шикоят қиладиган одат чиқарди. Хотинимни тушунолмайман. Ахир егани олдида, емагани кетида бўлса. Бундан ортиқ яна нима қилишим керак?

Умида бир-иккита нобоп аёллар билан борди-келди қилишни бошлади-ю, ўзининг ҳам юриш-туриши ўзгарди. Мен: "Буларга қўшилма, яхши аёллар эмас",- десам, оғзимга уради. Мен хотинимни тўғри йўлга солиш учун уришдим, сўкдим. Лекин фойдаси бўлмади. Аслини олганда мен Умидага ишонаман. Лекин одамларнинг гап-сўзлари мени адойи-тамом қилди. Хотиним тўғри аёл, ёмон йўлга юрмайди, деб одамларнинг ҳаммасини ишонтириш қўлимдан келмаса, иложим қанча? Андижонга борганимда қайнонамга бўлган воқеаларни айтиб бердим. Қайнонам жуда хафа бўлди ва қизига хат ёзиб берди. "Қизим келса ўзим яхшилаб гаплашиб қўяман",- деди. Онасининг панд-насиҳатларини ўқиб энди хотиним ўзгарар деган умид билан яшаб юравердим. Хотиним бўлган воқеани дугоналарига айтган экан. Дугоналаридан бири: "Хижолат бўлма, мен ўзим яқинда қишлоққа бораман, онангга яхшилаб ўзим тушунтириб қўяман",- деб хотинимни тинчлантирибди. Дугонаси сўзининг устидан чиқди. "Ҳамма айб куёвингизда, Умидани кўринган одамдан рашк қилиб уришаверади. Қизингиз боламчақам, қозон-товоғим, деб ойдай бўлиб ўтирибди",- деб қайнонамни хотиржам қилиб келибди. Умида қишлоққа борганида онаси ҳам қизига: «Эрингни норози қилибсан-ку",- деб бир оғиз насиҳатини раво кўрмаган. Қишлоқдан хурсанд бўлиб келган хотинимга Худо берди. Дугоналаридан ортмай қолди. Менинг дунёда борлигим билан ҳам, йўқлигим билан ҳам иши йўқ. Иккала дугонасининг ҳам эри йўқ. Ё хотином ҳам улардек эркин яшагиси келиб қолдимикан? Наҳотки шунчалик-калта ўйласа? Дугоналарини деб ўзининг тинч-тотув оилавий ҳаётини, болаларининг бахту камоли, келажагини ўйламаса...

Мана бир йилдирки Умида билан оramиздаги меҳр-муҳаббат иплари узилган. Маҳалламизда шундай аёллар борки, яхши-ёмонлигидан қатъи назар, эрининг ҳурматини жойига қўйиб қўяди. Мен шундай оилаларга қараб ўз қадримга ачиниб кетаман. Менга дўстларим ҳам, ҳатто душманларим ҳам: "Хотинингни у аёлларга қўшма, бу йўлдан қайтар",- дейдилар. Шундай кезларда ер ёрилмайди-ю, кириб кетолмайман. Ўзингиз бир ўйланг, эркак киши учун бундан ортиқ иснод бўладими? Хотиним билан бўлаётган жанжаллардан безиб кетганимдан болаларим ҳам кўзимга кўринмай қолди. Уйдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Болаларимни, айниқса қизимни жуда яхши кўраман. Қиз бола отага меҳрибон бўлар экан. Ишдан чарчаб келганимда олдимга чойимни, ошовқатимни қўядиган, мен билан дардлашадиган меҳрибоним биргина қизалоғим. Ҳозир энди болаларимнинг ана шу меҳру муҳаббатидан ҳам бенасиб яшаяпман. Ўз меҳнатим билан бунёд топган уй-жойим бўла туриб Тошкентда бир танишимникида ижарада турибман.

Мана бу ерга келганимга ҳам бир ой бўлди. Фарзандларимни жуда соғиндим. Хотинимни эсласам юрагим орқага тортиб кетади. Ўзимга-ўзим савол бераман. "Нега ҳаёт бунчалар серташвиш, нега бу дунёнинг бандалари бунчалар ношукр? Нега ёмон аёлларга жазо йўқ? Бундайлар қачонгача яхши одамларни тўғри йўлидан адаштириб ҳаётини заҳарлаб юраверишади? Нега улар охиратни ўйлашмайди"?

"Молинг хўра бўлса берди Худо, хотининг ёмон бўлса урди Худо",- деб бежиз айтишмаган экан. Мен энди нима қилай? Бошимни қай деворга урай? Сизлардан таскин-тасалли, йўл-йўриқ кутиб қоламан, азизларим.

**Х. М.**

**Тошкент шаҳри,**
**Мирзо Улуғбек тумани**

# МЕНИ ТИНЧ ҚЎЙСИН!

Ҳурматли "Оила ва жамият", сен ҳамиша адашганларга мухлисларинг фикр ва мулоҳазаларига таянган ҳолда ўгит ва маслаҳатлар берасан. Менга ўхшаган адашган эркак ва аёллар, йигит ва қизлар ўзини англаб олиши учун, ақлини пешлаб олиши учун ёрдам берасан.

Менга ҳам маслаҳат беришингни, тўғри йўл кўрсатишингни, айрим бола-чақали, оилали эркакларга осилиб олиб, уятсизларча шаллақилик йўлига ўтиб олган баъзи қиз ёки аёлларга тўғри йўл кўрсатишингни ўтиниб сўрайман. Энди кейинги пайтларда бошимдан ўтаётган машмашаларни бир бошдан сўзласам...

Бир куни доимгидек кўчада кира қилиб юрганимда кечга яқин тўладан келган, 30-32 ёшлардаги унча чиройли бўлмаса-да, юзлари оқ мағиздан келган қиз машинамни тўхтатди. У ўзи кетадиган манзилга элтиб қўйишимни сўради.

У биринчи бўлиб менга гап ташлади ва ўзини таништирди. Қимматбаҳо тилла буюмлар сотиш билан шуғулланишини билдириб, унга мунтазам олиб юришга машина кераклигини айтди. Мендан уни ҳар замонда керакли жойларга олиб бориб келишимни сўраб, кўнгилдагидек ҳақ тўлашини айтди. Мен рози бўлдим.

Хуллас, тез-тез таксилар бекатига келиб менинг машинамга миниб кетадиган бўлди. Мен босиқ ва камгап эмасман-ми, у доим биринчи бўлиб гап очар, менинг эркаклик ҳамиятимга тегадиган сўзлар билан ўзига қаратишга ҳаракат қиларди. Ахийри, мен ҳам у билан очиқчасига гаплаша бошладим.

Шундан сўнг С. мени бутунлай ўзиники қилиб олмоқчи бўлди. Мени қидириб хоҳ ишхонам, хоҳ уйимга бўлсин жанжал кўтариб кела бошлади. Турмуш ўртоғим билан олишиб, уйдаги деразаларимни синдирди. Ширин турмушимизга дарз кетди. Ахийри ундан безор бўлиб ишдан бўшадим. Кўчада пойлаб машинамнинг олдидан чиқиб, жанжал кўтариш йўлига ўтди. Устимдан туман судига, хотин-қизлар қўмитасига, маҳаллага ариза ёзиб бориб, эл орасида юролмайдиган қилди.

Мана, беш йилдирки менга ва оиламга тинчлик йўқ. Ўшандан бери кўчада ёлғиз аёлни машинамга миндирмайдиган бўлдим. Суд ҳам, хотин-қизлар қўмитаси ҳам айб С. нинг ўзидалигини айтиб, ўзини йиғиб олиши ва менинг оиламни тинч қўйишини бир-неча бор айтсаларда, мендан 400 минг сўм пул талаб қилиб, бермасам тинч қўймаслигини айтиб, жанжалини давом эттирмоқда.

Қадрли "Оила ва жамият", менга йўл кўрсат. Бошим қотиб қолди. Тўғри, мен ҳам ўзимни оқламайман. Аммо, орада бўлган иш аввало унинг истаги билан бўлди. Мен унга ҳеч қандай ваъда берганим ҳам йўқ.

Азиз «Оила ва жамият» мухлислари! Сизлардан илтимос. Айтинг, С. мени тинч қўйсин ва тенгини топиб турмушга чиқсин. Ахир менинг хотиним ва уч болам бор. У менинг оиламни бузиш эвазига бахтли бўла олмайди. Аввало у мени бир-неча марта ёмон сўзлар билан ҳақоратлаганидан сўнг, унинг аёл деган сўзга номуносиблигини англадим. Менга йўл кўрсатинг!

Сизларнинг ҳукмингизни кутаман ва менинг оиламни бузишга ҳаракат қилиб, шаллақилик билан мендан пул талаб қилаётган С. га холис фикрингизни билдириб, насиҳат қилишларингизни сўраб қолувчи.

**У. У.**

**Қашқадарё вилояти,**
**Китоб тумани**

Газетхонларимиз ижодидан

## БЎЛСИН ФАҚАТ ЎЗИМНИНГ ДАДАМ...

**Ҳаётимни тилло-зарга ўрамаса ҳам,**
**Улғайтириб... гоҳ эркалаб қарамаса ҳам.**
**Борин бериб, гоҳо кўнгил сўрамаса ҳам,**
**Менга тахт ё бахт бермоққа ярамаса ҳам.**
**Бўлсин фақат ҳар он менинг ўзимнинг дадам,**
**Унинг ўрнин босолмагай ҳеч ўзга одам!**
**Майли қанча иш буюрса, қилай - оғирмас,**
**Сўкса чидай, урса ҳамки, таним оғримас.**
**Ўгит берар бебаҳо гар йўлим тўғримас,**
**Лек отасиз - шод яшаш, бу - ахир умрмас!**
**Бўлсин фақат ҳар он менинг ўзимнинг дадам,**
**Унинг ўрнин босолмагай ҳеч ўзга одам!**
**Қимматбаҳо ҳар совғалар олиб берса ҳам,**
**Пешонамни силаб доим, кулиб юрса ҳам.**
**Юз авайлаб, фарзандидек яхши кўрса ҳам,**
**Йўғимни бор қилиб, қалбин очиб турса ҳам.**
**Ота ўрнин босолмагай ҳеч ўзга одам,**
**Бўлсин фақат беминнатим - ўзимнинг дадам!**
**Бойликларга алишмасман унинг меҳрини,**
**Алишмасман бол сўзларига, ҳатто қаҳрини.**
**Кўзларимга суртайин ҳар босган ерини,**
**Дунё кезиб, топарманми ўхшаш бағрини?!**
**Бўлсин фақат ҳар он менинг ўзимнинг дадам,**
**Унинг ўрнин босолмагай ҳеч ўзга одам!**
**Ота сўзин ерда кўйманг, азиз фарзандлар,**
**Қайғулардан асранг уни, беринг мададлар.**
**Муродим шу: ҳеч эзмасин уни ғам-дардлар,**
**Отасини улуғлагай ҳамиша мардлар!**
**Бўлсин фақат ҳар он менинг ўзимнинг дадам,**
**Унинг ўрнин босолмагай ҳеч ўзга одам!**

**Мурод РАҲМОН**

Оиламиз меҳмони

# ҚАЛБИ ГУЛДЕК НАФИС АЁЛ

Болалигимда телевизорда дуторчи қизлар кўриниб қолса онам хурсанд бўлиб кетар: "Менинг ҳам қизларим шу қизларга ўхшаган бўлсин", дея ният қиларди. Ҳар қалай биз тўрт опа сингилдан қўшиқчи чиқмади-ю, аммо онамнинг орзулари эш бўлдими санъатни севишни, яхши санъаткорларни қадрлашни ўргандик. Ана ўша меҳр мени Ўзбекистон халқ артисти Замира опа Суюнова билан суҳбатга етаклади.

**- Замира опа айтинг-чи, Қашқадарёнинг Китоб туманида туғилган қизалоқ қандай қилиб Тошкентга келиб қолди?**

- Мактабда ўқиб юрган кезларим эл оғзига тушган қўшиқ, лапарларни ўзимча хиргойи қилиб юрардим. Отамни ўзи ҳам санъаткор бўлгани учун менга санъат сирларини ўргатди. Ўн бир ёшимда отам катта опам иккаламизни Тошкентдаги Глиэр номли санъат мактабига олиб келди. Кейин Тошкент Давлат консерваториясида ўқидим. У ерда ўқиб юрган кезларим раҳматли устозим, Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов раҳбарлигида дуторчи қизлар ансамбли ташкил этилди. Ана шу даргохдан мен учун катта санъат саҳнасига йўл очилди.

**- Илк устозларингиз кимлар?**

- Менда санъаткорлик истеъдодини сезган ва бунга ундаган аввало меҳрибон отажоним. Афсус, у кишига кўпгина ютуқларимни кўриш насиб этмади. Санъатнинг нозик томонларини ўрганишимда Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Ҳабиба Охунова, Ғанижон Тошматов, Абдуҳошим Исмоиловларнинг меҳнатлари катта бўлди.

**- Оилангиз билан таништирсангиз...**

- Бири-биридан ширин фарзандларим бор. Қизим — Зилола 16 ёш, ўғлим — Абдуллажон 12 ёшда. Турмуш ўртоғим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураҳмон Холтожиев мақом ансамблида ишлаш билан бирга консерватория талабаларига дарс беради.

**- Оила ҳам кўзгудай бир гап. Сал қўполроқ ҳаракат қилинса дарз кетади. Оилани сақлаб, уни авайлаш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

- Ҳаёт бир маромда давом этавермайди. Баъзан эркакнинг омади чопмай, ишлари орқага кета бошласа, унинг атрофида суянчиқ бўлиб ким қолади? Албатта АЁЛ. Агар аёл ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиб хатога йўл қўйса-чи? Уни ким тушунишга ҳаракат қилади? Аёл қоқилмаслиги, оиласини йуқотмаслиги, болаларини етим қилмаслиги учун ҳар бир қадамини ўйлаб босиши, ҳаётга нисбатан ҳушёрроқ бўлиши керак.

Мен ўзим ҳар қандай ҳолатда ҳам хўжайиним билан бамаслаҳат иш тутаман. Қаерга боришимдан қатъи назар, у кишидан рухсат оламан. Эҳтимол, оиламдаги хотиржамликнинг сабаби ҳам шундандир.

**- Эстрада жанрига муносабатингиз қандай?**

- Эстрада йўлида ўз ўрнини топиб, катта ижод намуналарини яратаётган санъаткорлар ҳам талайгина, мен уларни ҳурмат қиламан ва қадрлайман.

Бир пайтлар мен ҳам эстрада усулида ёзилган қўшиқларни севиб ижро этганман. Унинг сеҳрли дунёсидан маст бўлганман. Чунки эстрада қўшиқчилигининг ҳам ўзига хос сеҳржодуси бор.

**- Болаларни миллий қўшиқчилик руҳида тарбиялаш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

- Мактабларда ашула дарсларига миллий сабоқларни кўпроқ киритиш ва бунга енг учида қарамаслик керак. Чунки, қўшиқ ҳамиша инсонни тарбиялашга хизмат қилади. Қўшиқ орқали биз бир-биримизни тушунишни, ҳис қилишни, қандай яшаш кераклигини ўрганамиз.

**- Сиз санъаткор сифатида кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам бўлгансиз. Айтинг-чи, хорижда ўзбек санъатига эътибор қандай?**

— Франсияда бўлганимизда шу даражада қарсаклар билан кутиб олишди-ки, натижада биз репертуаримиздан ташқари қўшиқлар ижро этишга мажбур бўлдик. Гарчи улар бизни тилимизни тушунишмаса-да, юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди. Бизни нуфузли бир лицейга олиб боришди. Мен болаларга "Омон ёр" қўшиғини ўргатдим. Уларнинг барчаси мен билан биргаликда "Омон ёр"ни ижро этишганини кўрганингизда эди, қалбингиз фахрга тўларди.

**- Замира опа, сиз ҳаётда нималардан кўпроқ чўчийсиз?**

- Туҳматдан, майда гап-сўзлардан. Мени беҳурмат қилишларидан, хиёнатдан чўчийман. Атрофимда дўстларим кўп бўлиши, ишонч йўқолмаслигини хоҳлайман.

**- Муҳаббатга ишонасизми?**

- Албатта ишонаман. Муҳаббат бор. Кўплаб замондош аёлларимиз турмуш ўртоғига севикли ёр, фарзандларига меҳрибон она бўлиб яшаяпти. Ана ўша покиза туйғу туфайли биз АЁЛ деган юксак мартабага мушарраф бўлаяпмиз. Аммо муҳаббатни авайламаганлар, оёқ ости қилиб, ўз нафсининг қулига айлантирганлар учун у йўқ. Биз муҳаббатнинг уволи тутишидан қўрқиб яшашимиз керак.

**- Суҳбатингиз учун раҳмат. Биз сиздан ана шундай муҳаббатга ошно бўлган қўшиқларни кутиб қоламиз.**

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди**

# КЕЛИНГ, ДЎСТЛАШАМИЗ!

Газетанинг 2001 йил 51-сонида менинг "Жонимдан ортиқ кўрардим" номли мактубим босилиб чиққан эди. Унга жавобан газетанинг 2002 йил 1-сонида "Дўст бўламиз лолача" сарлавҳаси остида бухоролик Шерзодбек Ураловнинг жавоб мактуби чоп этилди. Менинг бу мактубимни Шерзодбек Уралов ўқиб менга жавоб ёзади, деган умиддаман.

**Шерзод МИРЗААҲМЕДОВ**
**Фарғона шаҳри,**
**А.Навоий кўчаси,**
**50-уй, 40-хона**

* * *

Оилада бешинчи фарзандман. Тўрт акам, бир укам бор. Отаонамнинг битта-ю, битта қизиман. Бизнес мактабни битириб ҳозирда даромад солиқчиси бўлиб ишлаяпман. Мен ҳам тенгдошларим билан дўстлашиш истагидаман. Газетада мақолалари чоп этилган дўстларим бухоролик Шерзодбек Уралов (2002 йил, 1-сон) ва фарғоналик Шерзодбек Мирзаахмедовлар (2001 йил, 51-сон) мен ҳам сизларга ўхшаб кўп нарсани бошимдан ўтказганман. Мен сизлар билан мактуб орқали чин дўст бўлишни ва дўстлигимиз абадий бўлишини истайман. Сизларнинг мактуб ва расмларингизни сабрсизлик билан кутаман.

**Жамила АШУРОВА**
**Хоразм вилояти,**
**Янгибозор тумани,**
**Ўзбекистон ж/х, 3-бригада**

* * *

Ҳурматли "Оила ва жамият" таҳририяти, бу газетани ўқиган одам кўп саволларга жавоб топгандек бўлади, ҳаётда оқни-қорадан, қорани оқдан ажратишни, қандай қилса тўғри йўлни топиш мумкинлигини ўрганади. Тошкент вилоятилик Хушрўй исмли қизнинг "Онасини кўриб қизини ол, деганлари тўғрими?", деб номланган 2002 йилнинг 3-сонидаги дил изҳорини ўқидим ва ўйланиб шу қизга хат ёзишга қарор қилдим.

Ҳурматли Хушрўй! Албатта, онангиз жуда катта хатога йўл қўйибдилар. Онангиз ҳали пушаймон ҳам бўладилар. Хушрўй, сиз "қари қиз" бўлиб қолмайсиз. Албатта бахтингизни топиб оласиз, яхши оила қурасиз:

**Бахт қуши қўнар бир**
**кун пешонангизга,**
**Тушар шунда аксингиз**
**тош ойнангизга.**
**Куёв навкарлари**
**шўх-шодон келиб,**
**Табриклаб кетишар**
**кошонангизга.**

Хушрўй, менинг ҳам ҳаётим худди сизникидай. Ота томонидан кўп қийинчиликлар кўрдик. Ҳозир отам билан бирга эмасмиз. Шахсан мен отамни кўрмаганимга 3 йил бўлди. Сиз хафа бўлманг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Яхши ният қилиб, тўғри йўлда юриб, ҳаётни давом эттиринг. Мен тўғримда билмоқчи бўлсангиз хат ёзинг, кутаман. Сиз билан дўст бўлишни истаб қолувчи,

**Талъат БАҲРИЕВ**
**Тошкент шаҳри,**
**Миробод тумани,**
**Аширобод кўчаси 1.**

* * *

Мен 1980 йилда туғилганман. Ишлайман. Менга фалсафа, инглиз тили ва рус тилларини жуда чуқур ўрганишим учун молоқотда бўлиб турадиган ҳақиқий дўст керак. Мен дўстлар орттириб, билимимни мустаҳкамлаб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшишни олий мақсадим ва бурчим деб биламан.

**Мансурбек КАРЛИЕВ**
**Хоразм вилояти,**
**Янгиариқ тумани,**
**Гулланбоғ қишлоғи**

* * *

Ҳурматли ва мен учун қимматли бўлган "Оила ва жамият"! Мен Ферузанинг "Мен энди ортга қайтмайман" (2001 йил, 51-сон) деб номланган дил изҳорини ўқиб чиқдим ва ларзага келдим. Унинг ортга қайтишини мен ҳам истамасдим. Мен унинг айрим фикрларига қўшиламан. Севиш ва севилиш бахтига муяссар бўлишни орзу қилмайдиган аёл бўлмаса керак. Мен Ферузага бахт тилайман. Менинг алоҳида қоғозга ёзилган мактубимни Ферузага етказишингизни сўрайман. Сизга бўлса, менинг севимли газетам, яна ҳам улкан ва баланд парвоз тилайман.

**КОМИЛА**

**Таҳририятдан:** ***Ҳурматли Ферузахон, Комиланинг сизга аталган мактубини таҳририятдан келиб олишингиз мумкин. Келишнинг иложини топмасангиз 133-28-20 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб ўз манзилингизни билдирсангиз, сизга аталган мактубни жўнатамиз.***

* * *

***Азиз мухлислар, мана, истак ва таклифларингизга биноан янги рукнга асос солдик. Дўстлашув, бир-бировга меҳр-муҳаббат қўйиб дилдан сирлашув инсоний фазилат. Ахир одам тафтини одам олади, деган нақл бежиз айтилмаган. Лекин... Дўст экан, истарасию, муомаласи иссиқ экан, деб тезгина дўсту қалин бўлиб, сўнг панд ейишингизни, бу борада адашишингизни биз сира-сира хоҳламаймиз. Шу сабаб бир-бировингиз билан дўстлашаркансиз, масъулиятни буткул ўз зиммангизга олиб, ақлу фаросат билан бу ишга қадам қўйишингизни тилаб қоламиз.***

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди -

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.